3.800.000 ТАЙЁР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши № 269 (13.225).
17 НОЯБРЬ 1965 йил ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

БУНГА КИМ ҚАНЧА ҲИССА ҚЎШДИ

Андижон области 779 минг 183 тонна, Фарғона области 488 минг 970 тонна, Сирдарё области 425 минг 481 тонна, Самарқанд области 369 минг 462 тонна, Тошкент области 347 минг 650 тонна, Хоразм области 340 минг 19 тонна, Бухоро области 306 минг 75 тонна, Сурхондарё области 299 минг 761 тонна, Қорақалпоғистон АССР 246 минг 970 тонна ва Қашқадарё области 191 минг 571 тонна билан.

УЛКАН ЗАФАР

Азиз Ватан! Совет Шарқининг, нурафшон ўзбек элининг улкан армуғонини, қалб ҳароратила йўллаётган туҳфасини қабул эт: 3 МИЛЛИОН 800 МИНГ ТОННА! Бу Узбекистоннинг советлар диёри ойдин йўлига, коммунизм йўлига зархалдан тўшаётган поёндози, коммунизм дастурхонига тўкаётган зеби-зийнати!

3 МИЛЛИОН 800 МИНГ ТОННА! Бу иборада қардошлик тимсоли, интернационал бурчикизнинг садоқати пахтакорлар қаҳрамонона меҳнатининг яратувчилик қудрати, умумхалқ курашининг битмас-туганмас кучи намоён бўлмоқда.

Афсона эмас, балки, ҳақиқатан ҳам ўз эҳду паймонига умр-боқий вафодор бўлган, ўз жонажон ленинчи Коммунистик партиясининг чақириқларига лаббай деб жавоб бераётган ва бу чақириқларни ўз ҳаёти ва мақаддас курашининг илҳомбахш манбаи деб билган, жонажон Совет ҳукуматининг меҳрибонлигидан баҳраманд бўлган ўзбек халқи юксак мажбуриятни ҳам бажарди.

1965 йил — муборак ва қутлуғ етти йиллигимизнинг якунлари ниҳоятда салмоқли ва қувончли! Коммунизмнинг тез одимлаётганлиги, кишиларда ижодий ғайрат беқиёс ўсиб бораётганлиги, пахтакорлар меҳнати ялпи қаҳрамонликлар яратаётганлиги шу йилимизнинг якунларидан равшан кўриниб турибди. Куёшгача туташиб коннотни қучаётган 3 миллион 800 минг тонналик пахта тоғимиз жуда қисқа муддатларда, ҳали тарих билмаган қисқа вақт ичида тикланди. Лекин пахта учун кураш жуда мураккаб ва оғир шароитларда, ҳали эллик йил мобайнида республикамиз бошидан кечирмаган сув танқислигида, об-ҳаво ниҳоятда қуруқ ва иссиқ келган вазиятда олиб борилди. Бу курашда, бу жангу-жадалда пахтакор енгиб чиқди, унинг аҳл-заковати, иродаси қаршисида ҳамма оғирликлар, табиат инжиқликлари чекинди. Бу курашда пахтакорлик шуҳрати, пахтакорнинг шон-шавкати қиёс қилиб бўлмайдиган юксакликларга кўтарилди. Бу курашда партия ташкилотларининг жанговарлик руҳи ҳамма пахтакорларни умум иш учун мардонавор жангга, мўл ҳосил учун курашга, етиштирилган маҳсулотни тез ва сира нобуд қилмай йиғиб-териб олишга жиддийлаштирди. Партия ташкилотларининг мазмунли ва таъсирли сиёсий ишлари, хўжаликка ленинча раҳбарлик қилиш санъатини эгаллаганликлари шу курашда ғалаба қозонишимизнинг асосий омили бўлди.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлидан дадил борэётган бизнинг колхозчиларимиз, совхоз ишчиларимиз кенг ва қатъий йўлга чиқиб олдилар. Улар энг мураккаб ва қийин ишларни машиналар зиммасига юклай олдилар. Комплекс механизациялаш йўлидан борэётган янгилик кашфиётчилари — кўпдан-кўп бригадалар, звенолар деҳқончилик маданиятини юксак даражага кўтаришнинг яхши намунасини кўрсатдилар. Улар маблағ ва материалларни тежаш ҳисобига пахтанинг таннархини камайтириш ва коллектив хўжаликларнинг ялпи даромадини ўстиришда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Биз мана шу айёмда янгиликка зафар бахш этаётган, деҳқончиликни илмий асосда ривожлантираётган пўлат от чавандозларига, механизатор шаввозларга офарин деймиз!

Нуримиз зиёси, қалбимиз қўри, жасорат ва қаҳрамонлигимиз рамзи бўлган пахтамиз — ҳаммамизни, барча касб эгаларини ягона орзу-истак билан яшашга, интилишга, ўйлаш ва фикрлашга жазм этди. 3 миллион 800 минг тоннали азм хирмонимизни бунёд этишда пахтакоргина эмас, шу билан бирга ишчи ва хизматчи ҳам, олим ва врач ҳам, инженер-техник ва қурувчи ҳам, студент ва ўқувчи ҳам, ёшу қари ҳамма қишилларнинг, республикамизда яшовчи ҳар бир ватанпарварнинг пахта дея яшаб, курашаётганлигининг, пахта хирмонига бир этак, бир сиқим бўлса ҳам шу дурдонани тўкишга жон деб ҳисса қўшаётганлигининг боиси шунда!

Бебаҳо «оқ олтин» хазинамизни бойитишга ким қандай ҳисса қўшди, деган савол туғилади. Бу йилимизнинг энг характерли хусусияти шундан, улкан хирмонимизда ҳар бир область, ҳар бир район, ҳар бир колхоз ва совхознинг муборак улуши бор. Хоразм, Тошкент, Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона, Андижон, қашқадарёликлар марду-майдонларнинг пешқадамларидирлар. Улар кетидан Бухоро ва Сирдарё ҳам маррага яқинлашаётганлигидан шодмиз.

Муқаддас мажбурият бажарилди! Узбекистон пахтакорлари шонли зафар қучдилар, мусобақада ғолиб чиқдилар, ўз ватанпарварлик бурчларини, интернационал бурчларини муқаддас билиб уни шундай улугладиларки, бундан ҳамма қон-қардошларимиз беҳад мамнундир. Бу ҳақиқатан ҳам катта ғалаба. Республикамиз пахтачилика эмас, саноатда, қурилиш ва транспортда, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам янги муваффақиятларга эришяпти. Лекин муваффақиятларимиз қанча кўп бўлса ҳам, биз бундан эсанкираб қолмаймиз. Ватан манфаатлари, партия ва халқ манфаатлари, КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумлари белгилаб берган улуғ режалар республикамиз меҳнаткашларидан истиқболни янада равшанроқ кўришни, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини тағин ҳам тез суръатлар билан ривожлантиришни талаб этади.

Битмас-туганмас кучга тўлган, КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумлари қарорларидан руҳланган ўз келажагини равшан кўраётган республикамиз меҳнаткашлари Совет халқларининг қардошлик оиласида коммунизм қуриш йўлида янги зафарларга эришиш учун илгарилаб бораверадилар.

Республикамиз пахтакорлари она-Ватан хазинасига топширган 3 миллион 800 минг тонналик улкан хирмон сон-саноқсиз пахта бунтларида мужассамланди. Суратда: Ғиждувон районидаги Ғаждумон пахта пункти.

А. Усмонов фотоси.

ПАХТАКОРИМ — ПАҲЛАВОНИМ

Серқуёш республикамиз меҳнаткашларининг мамлакатга 3 миллион 800 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериб, социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарганликлари тўғрисидаги хушхабар биз қорвадорларнинг ҳам қалбини кувончларга тўлдириб юборди. Ҳар бир чўпон шу кунларда юрагидан чиқариб:

— Пахтаним — паҳлавоним! — демоқда.

Пахта усталарини ана шу катта ғалаба билан яна бир бор табриклар эканмиз, биз ҳам улардан ортда қолмаслиги на ҳаракат қиляпмиз. Масалан, совхозимиз коллективи давлатга қоракўл тери, жун, дон етказиб бериш планларини муддатидан илгари ошириб бажарди. Бу йил 560 гектар ерга чигит ҳам экиб эдик. Ҳосилимиз баракали бўлди. Гектаридан 20 центнердан ошириб пахта топширдик. Мажбуриятимизни аллақачонлар бажариб қўйганмиз. Ҳозир экин майдонлари шудгор қилиняпти.

Чорвадорларимиз қишловни муваффақиятли ўтказиш учун бекамі-кўст тайёргарлик кўрдилар. Пахтакорларимиз «оқ олтин» майдонларида жасорат кўрсатсалар, биз яйловлар хуснига-хусн қўшиб, жамоат чорва моллар туёғини тобора кўпайтираверамиз.

Рустам БЕРДИМУРОДОВ,
Шеробод районидаги «Коммунизм» ихтисослаштирилган совхози қўйчилик бригадасининг бошлиғи.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

УЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон пахтакорлари янги ажойиб ғалабани қўлга киритдилар.

Ватан омборларига давлат план-заказидан ташқари 200 минг тоннадан кўпроқ, жами эса 3 миллион 800 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Республика 1965 йилда пахта етиштириш даражаси жиҳатидан етти йиллик план топширигидан ўзиб кетди. Пахтанинг 90 процентдан кўпроғи биринчи сортларга топширилди. Ҳосилнинг талай қисми—890 минг тонна пахта машиналарда терилди.

Планни 118 процент бажарган Хоразм областининг пахтакорлари, планни 112 процент бажарган Тошкент областининг пахтакорлари, планни 110 процент бажарган Қорақалпоғистон АССРнинг пахтакорлари, планни 109 процент бажарган Сурхондарё областининг пахтакорлари, планни 109 процент бажарган Самарқанд областининг пахтакорлари, планни 105 процент бажарган Фарғона областининг пахтакорлари, планни 102 процент бажарган Андижон областининг пахтакорлари ва планни 101 процент бажарган Қашқадарё областининг пахтакорлари бу ғалабага жуда катта ҳисса қўшдилар. Яқин бир-икки кун ичида Бухоро ва Сирдарё областлари ҳам пахта тайёрлаш планини бажарадилар.

Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда ҳосилдаёқ 33,7 центнер ҳосил олган Хоразм областининг пахтакорлари, ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 28 центнер ҳосил етиштирган Сурхондарё областининг пахтакорлари ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 26,4 центнер хирмон кўтарган Андижон областининг пахтакорлари энг юқори ҳосилдорликка эришдилар.

Республикадаги 80 та пахтакор райондан 68 таси пахта тайёрлаш давлат планини тўла ва ошириб бажарди. 33 район экин майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 25 центнердан кўпроқ бўлардан 13 район эса 30 центнердан ошириб ҳосил олди.

Янгиариқ районининг пахтакорлари ҳар гектардан 36,5 центнер, Денов районининг пахтакорлари 35,1 центнер, Юқори Чирчиқ районининг пахтакорлари — 34,6 центнер, Урганч районининг пахтакорлари — 35 центнер, Хива районининг пахтакорлари — 33,9 центнер, Оржоникидзе районининг пахтакорлари — 33,4 центнердан, Тўрткўл районининг пахтакорлари — 32,3 центнер, Наманган районичнг пахтакорлари — 31,6 центнер пахта ҳосили олдилар.

922 пахтакор колхоздан 457 таси экин майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 25 центнердан ошириб, шулардан 198 таси эса 30 центнердан зиёд ҳосил кўтарди.

Янгиариқ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози ҳар гектардан 42,9 центнер, Янгиариқ районидаги Киров номли колхоз — 41,2 центнердан, Денов районидаги «8 Март» колхози — 40,5 центнердан, Наманган районидаги «Ленинград» колхози — 39,5 центнердан, Денов районидаги «Ғалаба» колхози — 37,8 центнердан, Беруний районидаги Оржоникидзе номли колхоз — 36,9 центнердан, Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз— 36,6 центнердан, Тўрткўл районидаги М. Горький номли колхоз — 36,5 центнердан, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози — 36,3 центнердан, Жиззах районидаги «Москва» колхози — 36,1 центнердан, Янгиқўрғон районидаги Навоий номли колхоз— 35,5 центнердан, Поп районидаги «XXII партсъезд» колхози — 34,6 центнердан, шу райондаги Ленин номли колхоз ҳар гектаридан 34,3 центнердан, Хатирчи районидаги «XXII партсъезд» колхози— 32,6 центнердан, Шаҳрисабз районидаги «Қизил юлдуз» колхози — 34 центнердан, Боёвут районидаги «Коммунизм» колхози — 33,5 центнердан, Пайариқ районидаги Калинин номли колхоз — 32,4 центнердан, Бухоро районидаги Охунбобоев номли колхоз ҳар гектаридан 27,1 центнердан хирмон кўтарди.

Республикадаги 35 совхозда ва бошқа давлат хўжаликларида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 25 центнердан ошиб кетди. Шўрчи районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхози ҳар гектаридан 34,3 центнер, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхози — 29,1 центнердан, «Пахтаорол» совхози — 28,9 центнердан, Кўрғонтепа районидаги «Савай» совхози ҳар гектаридан 27,8 центнердан ҳосил кўтарди.

Неча юзлаб бригадалар ҳар гектаридан 40-45 центнер ва бундан ҳам кўпроқ пахта йиғиштирдилар.

Республикада давлатга пахта сотиш плани ва оширилган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши билан бир қаторда, қоракўл тери ва пилла етиштириш юзасидан етти йиллик планнинг контроль рақамларида кўрсатилган топшириқлар ҳам ошириб бажарилди. шунингдек 1965 йилда тухум, жун, сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева, узум тайёрлаш плани ошириб адо этилди.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезди шарафига социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб, ўз куч-ғайратларини пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга тугаллашга, кузги-қишки ишларни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни тамомлашга сарфламоқдалар.

УЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ БОЛАЛАР ЎЙИНЧОҚЛАРИ ВИСТАВКАСИНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИЛАР

Москвадаги Марказий виставка залида болалар ўйинчоқлари Бутуниттифоқ виставкаси бир ярим ойдан буён ишлаб турибди. 40 га яқин корхона ўз буюмларини ана шу виставкага қўйган. Виставка зўр муваффақият қозонмоқда. Ҳозиргача 500 мингдан кўпроқ томошабин виставкада бўлди.

А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков, СССР Савдо министри А. И. Струев, СССР Енгил саноат министри Н. Н. Тарасов, РСФСР Маориф министри Е. И. Афанасенко, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Торсуев, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари 15 ноябрда болалар ўйинчоқлари виставкасини бориб кўрдилар.

Виставкани кўздан кечирган вақтда болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, ўйинчоқларнинг сифатини ва безатилишини яхшилаш, турини кенгайтириш зарурлиги қайд қилинди. Ўйинчоқ кўнгил очиш учунгина хизмат қилиб қолмайди, балки шуниси айниқса муҳимки, ўйинчоқ болаларда кўпгина фойдали малакаларни ривожлантиради. Жумладан, ўқувчиларнинг физика, химия, механикадан олган билимларини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар зарурдир. (ТАСС).

ҚУВОНЧ УСТИГА ҚУВОНЧ

БЕКОБОД. (Телефон орқали олинди). Тошкент областидаги йирик пахтакор хўжаликлардан бири — 1-«Далварзин» совхозининг пахтакорлари йиллик планни бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Бугун уларнинг қувончига қувонч қўшилди. Республикамизда қўшимча мажбуриятнинг ҳам бажарилганлиги тўғрисидаги хушхабар совхоз қишлоқларига жуда тез тарқалди. Бу хабар уларнинг ғайратига ғайрат қўшди. Давлатга 10.207 тонна пахта етказиб берган бу азаматлар эришилган муваффаққиятни мустаҳкамлаб, гектаридан олинадиган ҳосилни 25,5 центнерга етказамиз, деб қатъий айтмоқдалар.

Механизаторлар бошлиқ 87 та звенонинг 71 таси йиллик планни ошириб бажарди ва шу кунларда мажбурият ҳисобига пахта топширилмоқда.

Совхозда 5 минг тоннадан ортиқ пахта машиналарда териб олинди.

Совхоз ишчилари КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, қолган ҳосилни ҳам тезроқ йиғиб-териб олиш ва ҳосилдан бўшаган ерларни шудгор қилиб қўйиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

ЖАНУБИЙ РОДЕЗИЯДАГИ АҲВОЛ МУНОСАБАТИ БИЛАН

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Мустамлакачилар Африка халқларига қарши янги жиноят қилдилар. 11 ноябрда Ян Смитнинг иркчилик режими Жанубий Родезияни «Мустақил» деб эълон қилди. Бу ҳаракатларнинг мақсади—бир ҳовуч иркчиларнинг тўрт миллион кишидан иборат Зимбабве халқини йиртқичларча эзишга ва шу халқнинг чинакам мустақиллик, озодлик ва социал адолат учун олиб бораётган одилона курашини шафқатсизлик билан бостиришга асосланган мустамлакачилик тартибларини Жанубий Родезияда абадийлаштиришдир. Мустамлакачилар ва иркчилар Африка қитъасининг жанубида мустамлакачи—иркчилик таянчини мустаҳкамламоқ учун яна битта уриниш қилдилар.

Жанубий Родезияни оқ танли иркчиларнинг «мустақил» давлатига айлантириш озодлик ва мустақиллик учун кўп йиллардан бери мардонавор курашаётган мана шу мамлакат халқига мустамлакачилик томонидан очиқдан очиқ қилинган даҳдаҳадир, Африка ва бутун дунё халқларига қарши қилинган даҳдаҳадир. Мустамлака мамлакатларга ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тарихий декларациясида, Жанубий Родезия иркчиларининг ҳаракатларини қораланган ва зимбабве халқига чинакам мустақиллик беришни талаб қилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жуда кўп қарорларида халқларнинг иродаси ифодаланган эди, мустамлакачилар халқларнинг бу иродаси билан ҳисоблашмадилар.

Жанубий Родезия иркчилари Солсберида иркчилик режимининг кейинги йилларда иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамланиб олишига имкон берган ва унга бутун чоралар билан мадад бериб келган мустамлакачилар билан тил бириктирмаганларида эди, ўзларининг жиноий планларини амалга оширишга ботина олмаган бўлур эдилар. НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари, аввало Америка Қўшма Штатларининг ҳукумати ҳам фотиҳа бермаганида эди, бу жиноят қилинмаган бўлур эди. Иркчиликнинг—бу сафар Жанубий Родезияда—яна битта ўчоғи вужудга келтирилганлиги Африка халқларининг миллий озодлик ҳаракати йўлига империалистик доираларнинг ғов солишдан иборат умумий планининг бир қисмидирки, бу миллий озодлик ҳаракатининг тўлқинлари мустамлакачиликнинг охирги суянчиқларига тобора яқинлашиб келмоқда.

Африка халқларига қарши қилинган шу жиноят учун, ўз ҳуқуқларини қўлга киритиш йўлида кўп йиллардан бери қаттиқ кураш олиб бораётган зимбабве халқининг бошига тушган миллий фожиа учун масъулиятни Англиянинг ҳукмрон доиралари ҳеч қачон ўз устларидан олиб ташлай олмайдилар, деб Африкадаги мустақил давлатларнинг Африка бирлиги ташкилоти қарорларида ифодаланган фикрига Совет ҳукумати тўла равишда қўшилади.

Ҳозир Буюк Британия ҳукумати Жанубий Родезия маъмурларининг ҳаракатларини оғизда қораламоқда, Жанубий Родезия масаласини кўсиб чиқишни сўраб Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилмоқда. Лекин Англия ҳукуматининг бу гаплари ҳозирги вақтда ўзининг ҳақиқатан ўтказаётган сиёсатини оқлаш учунгина қилинаётган уриниш эканлиги равшандир.

Англия ҳукуматининг ўзи ишлаб чиққан ва иркчилик тартибларини мустаҳкамлаб берган «конституцияни» жорий қилиш билан 1961 йилдаёқ Англия иркчиларнинг миллион-миллион африкалик аҳоли устидан мустамлака ҳукмронлигини ўрнатувчи ҳозирги режимига негиз солган эди. Шундан сўнг Англия Жанубий Родезия иркчиларни қуроллантирди, Жанубий Африка Республикасидаги иркчилик режими билан ҳамда Португалиянинг Анголадаги ва Мозамбикдаги мустамлакачилари билан Жанубий Родезиянинг мустамлакачилик иттифоқини рағбатлантириб, Жанубий Родезия иркчиларининг позицияларини мустаҳкамлашга ёрдам бериб келди. Натижада Жанубий Родезия полиция давлатига, мамлакатдаги африкалик аҳоли учун турмалар, қамоқ лагерлари ва террор мамлакатига айлантирилди.

Жанубий Родезиянинг иркчилик режими Африкадаги бошқа ҳамма халқлар учун ҳам, шу жумладан мустамлакачилик асоратидан қутулган халқлар учун ҳам хавф-хатар манбаидир. У, озод бўлган Африканинг кўкрагига қаратилган найзадир, Африка қитъасидаги тинчликка, халқаро тинчликка таҳдид солаётган доимий хавфдир.

Иркчилар Жанубий Родезияни «мустақил» деб эълон қилганликлари бутун дунёда норозилик тўлқинларини қучайтириб юборди. Давлатлар Смитнинг хиёнаткорона режимини ҳам олмасликларини бирин-кетин айтмоқдалар. 11 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси Жанубий Родезия маъмурларининг бу ишини қоралади, ҳамда ҳаддидан ошган бир ҳовуч иркчиларнинг ҳаракатларига чек қўймоқ учун барҳол ҳамма зарур чораларни кўришни, шу жумладан қуролли куч қўлланишни ва Зимбабве халқларининг иродасини ҳақиқатан ифодаловчи ҳукуматга ҳокимиятни олиб беришни Англияга таклиф қилди. Эртаси кун ўз мажлисига тўпланган Хавфсизлик Кенгаши барча мамлакатларни биринчи навбатда кўриладиган чора тариқасида Жанубий Родезиядаги қонунга хилоф иркчилик режимини танимасликка ва унга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмасликка чақирди.

Мустамлакачиликни тугатиш масалаларида ўзининг принципиал позицияларига амал қилиб келаётган Совет ҳукумати Африка халқларига қарши қилинган янги жиноятни қатъиян қоралайди ва Жанубий Родезияда ҳокимиятни зўрлаб босиб олган иркчилар режимини танимаслигини билдиради. Совет Иттифоқи Жанубий Родезиядаги аҳвол масаласида Хавфсизлик Кенгаши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси қабул қилган қарорларни тўла равишда қувватлайди ва шу қарорларни оғишмай бажара беради.

Халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлган ўзининг ўзгармас сиёсатига содиқ бўлиб келаётган Совет ҳукумати зимбабве халқи билан ўзининг тўла бирдам эканлигини билдиради ҳамда чинакам миллий мустақилликни қўлга киритиш учун адолатли кураш олиб бораётган зимбабве халқига бутун чоралар билан мадад беришда Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини яна таъкидлайди.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЎЛКАН ХИРМОНИМИЗ

Юқорғи Чирчиқ районининг хўжаликларида кузги шудгорлаш ғуғ сайин қизитилмоқда. Бу соҳада машъал хўжалик «Политотдел» колхози деҳқонлари пешқадамлик қиляптилар. Суратда: колхознинг 10-бригадасида ер ҳайдаш пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

Ҳусниддин ШАРИПОВ

ЯКУН

Раис имзо чекди рапортга охир,
Сўнг айвонга чиқди одимлаб оғир.
Чорва қишловини, қурилишларни,
Кузги шудгорни ва бошқа ишларни
Ҳисобга олмасак,
ясалди якун,
Бир йил ўтиб кетди мисоли бир кун.
Бийрон мухбирларнинг қув саволлари,
Асабий мажлислар, йўл шамоллари,
Баҳорги гул сайри, уloқ-нурашлар,
Оқшомги булутдан ҳадиксирашлар,
Узинг ҳам сезмаган қанча наф, хато,
Ярмида узилган тушлар ҳам ҳатто
Машиналар изидан кўчиб-буралиб —
Юксалган чанг каби аста таралиб,
Ортда қолиб кетди.
Олдинда эса...

Гоҳ тоғ, гоҳ дарёдан шаббода эсса,
Ўт теккан шам каби бирдан жонланиб,
Тирик одам каби қаҳлонланиб
Шивирлай бошлаган азим пахтазор!
...Мунча тўқиналар, нима дарди бор?
Ғалаба қуйлари оқар атрофда,
Қарнай-сурнай авжида, чилдирма тобда.
Дала-чи? Турибди ўзин унутиб,
Қўнғир ғўзаларни баландроқ тутиб.
«Уфлар жуда кенг, уфларга боқ!»
Дерми фарзандларин нўтариб тупроқ?
Ё у, яширолмай ғурурин дилга,
Кўз-кўз қилмоқдами фарзандин элга?
Фахр этса арзийди.
Нонимиз ёғлиқ,
Нону нонимиз ҳам пахтага боғлиқ.
Бугуни бурродиқ, бу вақтичоғлик
Заминдай ардоқлин пахтага боғлиқ.
...Пахтани нимага ўхшатиш мумкин?
Ғўзага ин қўйган кумуш қушмикин?
Оптоб гардишидан тўкилган зиё
Чаноқ чангалида тўпланарми ё?
Эҳтимол, билакдан силиб оқкан куч
Толага айланар ҳовучма-ҳовуч?
Ҳар қолда, мўл бўлди меҳр ҳам, нур ҳам.
Бугун ер бағирлаб куй учар хуррам.
Дала-чи? Боғар у ўзин унутиб,
Қўнғир ғўзаларни баландроқ тутиб.
«Азизлар, бу — сизнинг фарзандингиз-ку,
Умид-ла ўстирган арзандангиз-ку,
Сизга ўз раҳматин айтар аснода
Муаллақ қолмасин қўли ҳавода!»
Дер эди ғўёки шивирлаб тупроқ,
Тупроқ тўқиналар, тўкилар япроқ,
Уйларда ёнгандай бодраб чироқлар,
Дамба-дам юз очар янги чаноқлар.
Ерга хазон ёйиб келар экан куз,
Бировлар кўзида уйғонар афсус,
Табиат жилоси сўнди, дейишар,
Бўз кийди табиат энди, дейишар.
Кўпроқ ўхшамасми кузда бу чаман
Пибоcларни ечиб битта-бittaдан,
Миқтидай бадани ширин гупуриб,
Кенгликка пониза ҳидлар уфуриб,
Сув тафтин билиш-чун мовий уммонга
Қўл текизиб турган лобар жувонга?
Ўхшайди.
Ғолиблар тасаввурида,
Тўйда гуркираган гулхан нурида
Бундан ҳам кўркамроқ кўринар замин.
Турар у кафтига қўйиб ғўзасин.
Элда шодиёна этади давом.
Аҳд ado этилди. Ташвишлар тамом.
Энди...
Ҳамон дала боқарди имлаб.
Раис йўлга чиқди оғир одимлаб...

Тошкент.

ОЙДИН ЙЎЛЛАР...

Қашқадарё йўллари... Бу йўллар сизни оппоқ пахтазорлар бағридан, бепоён яйловлар қучидан, тоғлар сийнасидан, қўйнида денгизлар ёқасидан, боғлар орасидан, дарёлар кўпригидан олиб ўтади. Дашт манзаралари узумзорлар билан, қум барханлари яшил далалар билан, яйловлар боғлар билан алмашинади. Юлдузлар билан зийнатланган бахмал кеча қўйнида чўл нафасини, ер қаъридан отилиб чиқаётган фавворалар куйини тинглайсиз. Кўз ўнгингизда яшнаган, яшнаётган, истиқболи янада порлоқ водий гавдаланади.

Қарши — Шаҳрисабз йўли Қамаши чўлларини ҳам кесиб ўтади. Ойдоқ чўл бағрида тўхтаймиз. Ғарб уфқида қўёш юзини тўсиб қалин чанг девори кўтарилмоқда. Тўзонли ёмғир шамоли эсади. Тракторлар шудгор қилиб, кузги дон экиляпти. Адирлар ғуруллайди.

— Бу далалар «Фарғона» совхозининг ерлари,— дейди ҳамроҳимиз. «Фарғона» совхози! Бу ном тасодифий эмас, албатта. Бу ном яхши ният билан қўйилган. Нор-гул, бўз воҳада. Қарши чўлида қилинаётган улкан ишлар кўламини бир чамалаб кўрган киши бу номнинг бежиз эмаслигини билиб олади. Сабзалар барқ урган Шаҳрисабзга туташиб кетса ажаб эмас бу ерлар, бу бўлажак чаман.

Шаҳрисабздамиз. Асрлийда чиқорлар шовуллаган қадимий ва навқирон шаҳар. Улуғ Бобир ҳам ўзининг «Бобирнома»сида Шаҳрисабзни: «Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боғи ва томи кўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар», деб таърифлаб ўтади.

Шаҳрисабз эндиликда фақатгина баҳори сабз бўладиган диёр эмас, балки тўрт фасли ҳам кўклам, эли бахтиёр, меҳнати қувонч. Ленин қуёшидан абадий муаввар ғўзал, довруғли гулистондир. Бу район давлатимиз хазинасига 70 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўкишга қодир бўлган пахта қайнар замин, меваларга хилма-хил сакаб ado қилиб бўлмас боғлар, ярмиллик ва яхшилик масканидир.

Шаҳрисабзда пахта планини тўлдириш арафасида бўлдик. Катта хирмон кўтарган аъзоларнинг қувончи, кайфияти, ифтихорини тасвирлаш қийин эди. Буюк довон ошган бу одамлар қалбида голиблик ва ғалаба ҳиссиёти, мамнунлик ва янги ғалабалар иштиёқи чирмашиб кетгандай.

Уларнинг ўйлари ва ҳис-туйғулари чуқур тушунган киши — бу шунчалик планни бажариш ҳурсандчилиги, мажбуриятни ўташ шодлигигина эмаслигини дарҳол пайқайди. Улар аввало қилинган ишнинг улкан давлат аҳамиятини, коммунизм барпо қилишдаги аҳамиятини ва ниҳоят умумхалқ, умум Ватан манфаати йўлидаги буюк интернационал аҳамиятини ўз тани-жонларига, қалбу қонларига сингдириб юборган кишилардир.

Ана шундай кишилардан бири, шаҳарнинг ёнгинасида жойлашган Энгельс номли колхозининг раиси Қурбон Ҳақбердиев билан учрашдик. Қурбонжон ҳали ёш бўлишига қарамай, катта ҳаёт мактабини ўтган, суяги меҳнат билан қотган, ишнинг кўзини билган ва ҳаётнинг ва билимдон ташкилотчи. Уни Ленин комсомоли тарбиялади. Область комсомол ташкилотида секретарь бўлиб ишлаган, Москвадаги комсомол олий мактабини битирган, кейинчалик Шаҳрисабз районида райком секретари бўлиб ишлаган бу оддий йигит, 1962 йилдан бери Энгельс номли колхозининг раиси. Унинг қисқача таржимаи ҳоли шундан иборат.

Мана, пахтазор уфқида оппоқ тонг тантанаси. Бутун бойлигини, жавоҳир хазинасини инъом этган она-ер ажаб бир осойишталик ва улуғворлик билан нафас олаётгандай. Ернинг бу ҳолатини кўз ёриган бахтиёр она кўрмоқ қиёс этса бўлади. Ер ўз фарзандларидан саҳоватини аямайди: меҳрга меҳр билан, меҳнатга роҳат билан жавоб беради она-ер!

Пахтазор бағрига кўз тикиб, олис-олисларга боқиб турган Қурбонжоннинг фикру ҳаёлида ҳозир шу ўйлар, шу туйғулар барқ урмаётганмикин? Меҳнатдан мўъжиза яратаётган дала миришкорларининг қаҳрамонлигини ўйлаётгандир балки?

Қурбонжон кўзларимиздаги саволни уқиб олди шекилли, секин, шошмай ҳикоя қила бошлайди. У колхоз ҳақида, одамлар ҳақида, пахта ҳақида гапиради. Ғирик хўжаликнинг жонли манзарасини гавдалантиради кўз ўнгимизда.

Колхоз 1900 гектар ерга пахта экиб, бу йил давлат хазинасига 4.700 тонна жавоҳир тўкиши лозим эди. Мажбурият эса 5000 тонна. Аммо бу йилги ҳосилнинг чўғи ҳамма мўлжалларга таҳрир киритди. Колхоз пунктга 5.700 тонна «оқ олтин» тўкишга қарор қилди.

Бу оддий, тилсиз рақамлар замирида одамлар ҳақида, уларнинг меҳнати, қураши, қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя қилувчи улуғ поэзия мужассамлангандир. Ирмоқлар қўшилиб дарё бўлганидай, бу колхознинг «оқ олтин» ирмоғи ҳам республикамизнинг улкан пахта денгизига муносиб, ҳаётбахш оқим бўлиб кирди.

Бу рақамлар мазмунини яратган камтар, билимдон, ажойиб пахта усталарининг қиёфаларини кўриб турибмиз. Улар: 74 гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтаришга жазм қилган СССР Олий Совети депутати Марям Худойқулова, 125 гектар ердан 45 центнердан ҳосил берган Асадулла Раҳмонов, 110 гектардан 41 центнердан ҳосил тўплаган Муҳаммад Ғаҳмовлардир. Уларга елкадош бўлиб Норбобо Ҳуррамов, Аҳмаджон Иброҳимов, Юнус Мустафоев каби бригада бошлиқлари кўз ўнгимга келади.

Бу одамларнинг ҳар бири катта мақсад билан яшаётган, ҳаёти маъносини пахта тақдири билан боғлаган, ҳамиша олга, чўққиларга интилаётган азаматлардан. Улар пахта илмини, сув илмини, одамлар дилини, пахтакорлик бурчини юрак-юракдан англаган жонкуярлар. На баҳор ижиқликлари, на гармселлар хуружи, на сув танқислиги уларнинг иродасини енга олади!

Охир-оқибатда ҳамма нарса — ўсиш ҳам, юксалиш ҳам одамларга, уларнинг тушунчасига боғлиқ эканлигини яхши тушунган янги раис ишни янгича ташкил қилди.

У, колхоз хўжалиги билан танишаётиб, нуқсонларнинг илдизини аниқлади: трактор-машиналар ҳар жой-ҳар жойда қаровсиз, эгасиз ётар, йўллар эгри-бўғри, чанг эди. Боғлар, меваорлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, меҳнат интизоми ниҳоятда бўшашган, хушмуомила, яхши гап ўрнини дўқ-пўписа, асабийлик эгаллаган, одамлар меҳнати эвазига ўз вақтида ҳақ олишмайди. Омбору кассада ҳам ҳеч вақо қолмаган. Бу вақт колхознинг давлатдан ва колхозчилардан қарзи 1 миллион сўмга яқинлашиб қолган эди.

Бу камчиликларни яхши англаган Қурбонжон ишни колхоз партия комитети ва правлениеси аъзолари ва активлар билан маслаҳатлашишдан бошлади. У бир неча қолоқ колхозларнинг юксалиш тажрибасини мисол келтириб, ҳамма гап кадрларга, одамларга боғлиқ эканлигини, колхознинг ери, суви, даласи яхши эканлигини, фақат ҳамжиҳат бўлиб, аҳиллик билан, донолик билан иш кўрилганда олам гулистон бўлишини айтди.

Колхозни кўтариш учун яна нималар қилиш керак? Бу саволга кишилар жавоб беришди:

1/ Омбор, бухгалтерия, гаражни баъзи қўли эгрилардан тозалаб, ишнинг кўзини биладиган, сидқидилдан хизмат қиладиган кадрларга топшириш керак.

2/ Айрим бригадаларга эскидан бошлиқ бўлиб келаётганлиги учун қайта-қайта сайланадиган, техникадан яхши хабардор бўлмаган, дўқ-пўписа билан ишлайдиган бригада бошлиқларини янгилаш лозим.

3/ Қишлоқни обод қилиш, электрлаштириш, шийпонлар қуриш, йўлларни тузатиш масаласини кечиктирмай ҳал қилиш керак.

Раис маслаҳатларни эшитиб, бу ишларни бўлғиз раиснинг ўзи бажаролмаслигини, колхоз правлениеси ва партия комитети асотойдил киришмагунча аҳволни ўзгартириш мушкул эканлигини уқтирди.

Иш—йўлларни тузатишдан, бу соҳада асосан ҳашар кучига суянишдан бошланди. Чунки кичик йўлларни тузатмасдан туриб, катта йўлга чиқиб бўлмайди.

Мевали ва манзарали дарахтлар назорат остига олинди. Бу ишга қариялар кўз-қулоқ бўлишди. Колхоз транспорти, машиналар, гараж тартибга солинди.

Ўша пайтда колхоз умумий майдонининг 40 процентида чигит квадрат-уялаб экилар эди. Янги раис, янги агроном бирнечи йилдаёқ шудгорлашга аҳамият бериб, 90 процент майдонга чигитни уяларга аниқ миқдорда ташлаб кетадиган сеялка билан экишди.

Бу янгиликлари ғўшниб етмаган баъзи бировлар, раис ўзи-билармонлик қиляпти деб, ҳадиксирадилар, норози бўлдилар.

Механизатор кадрларга иш сифатига эътибор берилиши, одамларни ўйлаш, меҳнат самарасини ўйлаб ишлашга ўрганиш яхши натижалар берди.

1962 йили пахта плани ошириб сажарилди. 1 центнер пахта таннархи олдинги йилдагига нисбатан 30 процент арзонга тушди. Натижада, колхоз давлатдан ва колхозчилардан қарзини узди. Даромад, меҳнат ҳақи олиш 50 процент кўпайди. Тўртта типовой шийпон қурилди, қатнов йўллари яхшиланди, электрлаштириш юзасидан катта ишлар бошлаб юборилди. Бу ишлар, аҳолининг раҳбарларга ишончи—колхознинг собит қадамлар билан юксалишида асосий омил бўлди.

Ҳозир колхоз елғиз райондагина эмас, бутун республикага машҳур машъал хўжаликлардан ҳисобланади. Колхозда сабзавотчилик, мевачилик ҳам самоқли ўрин эгаллайди.

...Колхоз марказида антиқа бир уй бор. Бу уйда ҳеч ким турмайди. Аммо ўз замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Болалар хонаси, ётоқ хонаси, овқатхона, ошхона намунали қилиб, ажойиб ясалган. Колхозчилар бу ерга келиб, уйни жиҳозлаш, столни безатиш, ашёларни саранжомлашни ўрганадилар. Бу уйдагидай мебелларни комплект сотиб олишда колхоз уларга ёрдамлашади.

Колхоз бутлар пахтанинг ўзидан 1 миллион 700 минг сўм, жами, 2 миллион 150 минг сўм, даромад қилган. Бу йилги мўлжал 2 миллион 500 минг сўм. Ҳар бир колхозчи бу йил ўрта ҳисобда ойига 130 сўм иш ҳақи олади.

Бу колхоз аҳли яна шундай катта режалар билан яшамоқда.

Йўллар... Ойдин йўллар... Қашқадарё йўллари бизни янги-янги хўжаликларга, ўйғонаётган чўлларга бошлайди.

Бўз, норғул замин, яхлит майдонлар, гуркираётган воҳа истиқболга кенг қучоқ очиб турибди. Бу ердаги одамлар, меҳнаткаш халқ бу далаларда коммунизм мўъжизасини яратажак.

Ж. ЖАББОРОВ,
З. ИСРОИЛОВ.

КЎНГЛИМДАГИ ГАПЛАР

Ойша ЖУМАНИЁЗОВА,
Урганч районидаги «Пахтакор» колхозининг бригадир-механизатори, СССР Олий Советининг депутати

◆ ◆

Аввало шуни айтайки, бутун меҳрини, қалб ҳароратини пахтага бағишлаган, «оқ олтин» ишқида шайдо бўлган ўзбек аёлларидан биримман. Пахтачиликнинг истиқболи механизацияга боғлиқ эканлигини англаб, машина рулига ўтиришимга беш йил бўлди. Тўрт мавсумда «пўлат этак»дан 485 тонна пахта тўкдим. Бу йил ҳозиргача терганим 70 тоннага яқинлашди.

Олов қалб ўзбек қизи Турсуной Охуновага эргашиб, ўтган йили қолоқ бригадага бошлиқ бўлиб ўтдим. Бир йилда ҳосилдорликни 10 центнер оширдик, гектаридан 39 центнердан хирмон кўтардик.

Пахта майдонимиз 50 гектар. Бу йил 50 центнердан мажбурият олганмиз. Планни бажардик.

Келинг энди, кўнгилда туғиб юрган бир-икки оғиз гапимни эшитинг.

Ҳозир шундай бир даврки, қишлоқда техниканинг қадрини билмайдиган киши қолмади, хусусан терим машинасига иҳлос ошди. Лекин, колхозчиларнинг кўп қисми техникани эгалламаган. Эндиликда колхозчиларнинг кўпчилигига, имкони бўлса ҳаммасига механизация илмини ўргатиш керак. Айниқса йигитлар ва қизларга техникани билишни шарт қилиб қўйайлик. Улар махсус курсларда ўқисинлар, механизаторларга шогирд тушсинлар. Мана, мен ўзим аввал курсда ўқидим, турмуш ўртоғим механик Матёқубнинг ёрдамида механизатор бўлиб етишдим. Сўнгра Раҳима, Турдигул каби қизларга ўз касбимни ўргатдим. Ҳақиқий механизатор албатта шогирд етиштириши керак.

Хотин-қизлардан механизаторлар ва бригада бошлиқларини кўпайтириш ҳам ниҳоятда муҳимдир. «Тангори кема» капитанлари сафини қизлар ҳисобига ўстирайлик. Шунда бора-бора этаклардан бункерларга тўла ўтилади, планлар бундан ҳам тез тўлаверади.

РЕЗЕРВЛАР — ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ХИЗМАТИГА!

ҒЎЗА БАРГИДАН ЛИМОН КИСЛОТАСИ

Пахта толасидан, чигитдан халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга бўлган тўқимачилик маҳсулотлари, целлюлоза, ацетат ва этил целлюлозали толалар, пластмассалар, ёғ ва мойли бўёқлар, совун ва шунга ўхшаш жуда кўп нарсалар олинади. Ғўзапоядан эса химия саноати учун зарур маҳсулот — фурфурол ва гидролиз спирти ишлаб чиқарилади.

Ғўзапоядан Андижон ва Янгийўл гидролиз корхоналарида кўплаб этил ва метил спиртлари тайёрланмоқда. Ғўзапоядан олинаётган спиртлар лак-бўёқ саноатида, полимер толалар ва пластмассалар ишлаб чиқаришда кенг қўламда қўлланилаётгани ҳаммага маълум. Фарғона фуран бирикмалари химия заводида ғўзапоядан фурфурол ва бошқа фуранли бирикмалар тайёрланяпти.

Ҳозир ғўза баргидан озиқ-овқат кислоталари олиниши кўп газетхонларга маълум бўлмаса керак. Химиявий текширишлар натижасида ғўза баргида 5 процентдан 8 процентгача лимон кислотаси, 3-10 процентгача олма кислотаси борлиги аниқланган. Лимон ва олма кислоталари озиқ-овқат, вино ва спиртсиз ичимликлар саноатида маҳсулотга нордонлик ва маза бериш учун ишлатилса, медицинада дори-дармон олишда ишлатилади. Бу кислоталар тўқимачилик, химия саноатида ҳам кенг қўлланади.

Лимон ва олма кислотаси табиатда кенг таркалган бўлиб, шотут, лимон, анор, малина, тамаки каби ўсимликлар меваси, танаси ва барларида бўлади. Лимон, анор ёки тамакидан лимон ва олма кислотасини олиш ўсимликларни кўпроқ ўстирибетказишга мажбур этади. Шунинг учун ҳозирги даврда лимон кислотаси шакар ёки канд лавлагидан микробиологик усулда олинмоқда.

Ғўза баргини, пахта тозалаш корхоналарининг чиқиндиларини, кўрак тозалаш жараёнидаги чиқинди барларнинг лимон ва олма кислоталар олишдаги аҳамиятини академик О. Содиқов ва илмий ходимлар очиқ-ойдин кўрсатиб бердилар.

Ўзбекистон Фанлар академияси қишлоқ хўжалиги илмий текшириш институтининг маълумотларига қараганда, бир гектар ердан 17 центнер барг йиғиш мумкин. Бир миллион гектардан эса 1700000 тонна барг олинади. Ўзбекистоннинг пахта майдонларидаги барглар йилига 850000 тонна лимон кислота олса бўлади. Бу миқдор бутун Совет Иттифоқининг лимон кислотасига бўлган эҳтиёжини қондиради демакдир. Ҳозирча ғўза барги терадиган машиналар ишга тушгани йўқ. Шунинг учун пахтани тозалашда ҳосил бўладиган, асосан барглан ташкил топган чиқиндилардан лимон ва олма кислоталар олишнинг ўзи катта аҳамиятга эга. Асосан ғўза баргидан ташкил топган чиқиндиларнинг миқдори жуда кўп. Чиқиндининг миқдори пахтанинг сортига, тозалаш усулига ва машинада териш жараёнларига боғлиқ.

Ғўза баргидан лимон кислота олиш технологияси Тошкент Политехника институти химик олимлари томонидан анча такомиллаштирилди. Лаборатория шароитида сифатли кислоталар олинди, эски технология схемаси соддалаштирилди, камчиликлар йўқотилди. Ғўза баргидан қимматбаҳо нодир кислоталар ишлаб чиқариш мумкин.

П. МАНСУРОВ,
Тошкент политехника институтининг аспиранти.

„ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИГА

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 16 НОЯБРГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

ХОРАЗМ — бир кунда 0,35, мавсум бошидан 117,25, ТОШКЕНТ — бир кунда 0,10, мавсум бошидан 112,14, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР — бир кунда 0,55, мавсум бошидан 110,25, СУРХОНДАРЁ — бир кунда 0,29, мавсум бошидан 109,00, САМАРҚАНД — бир кунда 0,23, мавсум бошидан 108,67, ФАРҒОНА — бир кунда 0,29, мавсум бошидан 104,70, АНДИЖОН — бир кунда 0,25, мавсум бошидан 101,72, ҚАШҚАДАРЁ — бир кунда 0,05, мавсум бошидан 100,82, Бухоро — бир кунда 0,27, мавсум бошидан 99,38, Сирдарё — бир кунда 0,39, мавсум бошидан 98,95.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БУЙИЧА — бир кунда 0,28, мавсум бошидан 105,42.

Республикада 15 ноябрь куни 10.026 тонна пахта тайёрланди.

Ажойиб восита

Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам совет кишиси ташқи савдога, асосан, граждан тариқасида қизиқар эди. У, чет мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилиш ўзаро манфаатли иш эканлигини ва шу сабабли бу савдо-сотиқ нақадар кўпайса, Совет давлатининг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлашга шу қадар кўп ёрдам беришини тушунар эди (буни ҳозир ҳам тушунади). Лекин истеъмолчилар сифатида биз чет мамлакатлар билан бўлаётган савдо алоқаларини анча кам ҳис қилар эдик. Маълум сабабларга кўра мамлакатимиз чет мамлакатлардан биринчи галда саноат ускуналари ва турли материаллар сотиб олишга мажбур эди.

Лекин Совет давлатининг иқтисодий имкониятлари ошганлиги натижасида, шунингдек ривожланиб бораётган жаҳон социалистик бозори вужудга келганлиги муносабати билан импортимизнинг (чет мамлакатлардан сотиб олинадиган молларнинг) структураси ўзгара берди, буни эса ҳар бир киши ўзи ҳис қиладиган бўлиб қолди. Польша ва Германия Демократик Республикасидан олинаётган кийимлар ва мебеллар; Чехословакия пойафзали ва мотоциклларг; Болгариядан олинаётган сабзавотлар ва узум; Венгрия газламалари — мана шулар ва бошқа кўпгина моллар магазинларимизнинг жовонларида йилдан-йилга тобора кўп жой олмоқда.

Масалан, бундан ўн йил муқаддам Совет импортида халқ истеъмол қиладиган саноат моллари беш процентдан камроқ миқдорни ташкил қилган бўлса, ўтган йил бундай моллларнинг Совет импортидаги ҳиссаси қариб тўрт баравар кўпроқ бўлиб қолди. Шу даврнинг ичида импортимизнинг ҳажми икки ярим баравардан знёдроқ кўпайганлиги назарда тутилса, шундай моллари чет мамлакатлардан келтириш 1964 йилда 1955 йилдагига нисбатан 10-14 баравар кўпайганлигини ҳисоблаб билиб олиш қийин эмас.

Энди Совет ташқи савдосининг ўтган йилдаги асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги гапимизни яна давом эттирайлик. Бу кўрсаткичларни қиндагина босилиб чиққан «СССРнинг 1964 йилдаги ташқи савдоси» деган тўпламга асосланиб, таҳлил қилиб чиқиш мумкин.

СССРнинг 1964 йилдаги ташқи савдо

СССР КИМЛАР БИЛАН ВА ҚАНДАЙ САВДО-СОТИҚ ҚИЛМОҚДА

◆ ◆

обороти 13,9 миллиард сўмни ташкил этди — 1938 йилдагига қараганда, 12,3 баравар кўпайди. 1964 йилда биз чет мамлакатларга 6,9 миллиард сўмлик мол чиқариб сотдик ва чет мамлакатлардан 7 миллиард сўмлик мол сотиб олдик. Ҳосил унмай қолганлиги сабабли мамлакатимиз 1964 йилда 562 миллион сўмлик дон ва уни чет мамлакатлардан сотиб олишга мажбур бўлганлигига қарамай, ташқи савдо балансидаги дефицит атиги юз миллион сўмни ташкил қилди, холос. Умуман эса Совет Иттифоқининг ташқи савдосини олганда четдан сотиб олинаётган молга сарфланаётган пулга қараганда четга чиқариб сотилаётган молларимиздан келаётган даромад миқдори ошиқ бўлмоқда, яъни ташқи савдо балансимиз бухгалтерия тили билан айтганда, ижобий савдо билан тугалланмоқда. 1955 йилдан 1964 йилгача бўлган давр ичида бизнинг экспортимиз импортимизга қараганда тахминан бир миллиард 620 миллион сўм ошиқ бўлди.

Совет экспортининг (чет мамлакатларга сотилаётган моллар)нинг структураси қандай?

Ўтган йил экспорт қилиш натижасида олинган пулнинг ҳар бир сўмидан машиналар, ускуналар, металлар ва металл буюмлар, руда ва концентратларни чет мамлакатларга чиқариб сотишдан келган даромад 42,3 тийинни, ёқилғи ва электр энергияни экспорт қилишдан келган даромад 18 тийинни, химия маҳсулотларини сотишдан келган даромад 3,3 тийинни, ёғоч-тахта ва қоғоз, целлюлоза буюмларини сотишдан келган даромад 6,6 тийинни, тўқимачилик хом ашёсини ва ярим фабрикатларини сотишдан келган даромад беш тийинни, озиқ-овқат ва шундай моллар ишлаб чиқариладиган хом ашёни сотишдан олинган даромад 7,7 тийинни, халқ истеъмол қиладиган саноат молларини сотишдан келган даромад 2,4 тийинни, тайёр ва хом мўйнани сотишдан олинган даромад 0,8 тийинни, руда қазилмаларини сотишдан келган даромад 0,7 тийинни ташкил қилди ва ҳоказо.

Жумладан, чет мамлакатларга 57 миллион тонна хом нефть ва нефть маҳсулотлари сотиб, 849 миллион сўм, 24,3 миллион тонна қора металл рудаларини сотиб, 272,5 миллион сўм, қариб 4,2 миллион тонна пўлат прокат сотиб 568,6 миллион сўм, 27,6 миллион тонна тошкўмир ва кокс сотиб, 376,6 миллион сўм, 17 миллион куб метрдан кўпроқ ёғоч ва тахта сотиб, 380 миллион сўм, 397 минг тонна пахта толаси сотиб, 267,3 миллион сўм қўлга киритилди, 53 миллион сўмлик мўйна, қариб 25 миллион сўмлик соат сотдик ва ҳоказо.

Шу рақамлар, жумладан оғир индустрия маҳсулоти Совет экспортида асосий ўрин олаётганлигини кўрсатиб турибди.

Энди импортимизга ўтайлик. Аввалги йилларда бўлгани каби ҳозир ҳам жуда кўп машина ва саноат ускуналари сотиб олмоқдамиз, металлар, рудалар ва концентратлар, кабель ва симлар билан қўшиб ҳисоблаганда бу моллларнинг салмоғи 1964 йилда жамики Совет импортининг қариб ярмисини ташкил қилди. Импортимизнинг қолган қисми эса кенг истеъмол моллари, озиқ-овқат, химия маҳсулотлари, шу жумладан каучук ва синтетик толалар, шунингдек бошқа материаллардан иборат бўлди.

—ЭЛГА АРМУҒОН ИРОДА

СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ

ҒАЛАБАНГИЗ БИЗГА КУЧ БАҒИШЛАЙДИ

Вилоятимиз солдатлик ҳаётимиз мазмунини, ранг-баранг. Лекин шу кеча-кундузда қалбимизни тўлқинлантирган, кучимизга-куч қўшган хушхабарни республикамиз — серқуёш Ўзбекистон пахтакорлари йўлламоқдалар. Биз радиони тинглаганимизда ҳам, газета саҳифаларини варақлаганимизда ҳам биринчи галда республикамизда пахта йиғим-терими қандай бораётганлиги ҳақидаги хабарларни ахтарамиз. Ана шундай дамларда биз — Ўзбекистонлик солдатларни қардош рус, украин, белорус, латиш, озарбайжон ва бошқа турли миллат вакилларидан иборат сафдош дўстларимиз чин қалбдан табриклашади:

— Пахта карвонининг яловбардори қашқадарёликлар яшасин!

— Терим суръатида рекорд қўйган тошкентликларга балли!

Дўстларимизнинг бу олқишларини биз, Ўзбекистонликлар ғурур ва ифтихор билан тинглаймиз. Шундай дамларда «оқ олтин» далаларида сиз баҳодир пахтакорлар — азиз ота-оналаримиз, ака-ука, опа-сингилларимиз сафида бўлишни, сизларга яқиндан туриб кўмаклашишни жуда истаймиз. Лекин сизларнинг, бизни ҳарбий хизматга йўллай туриб топширган наказларингизни ҳали тўла адо этмаганимизни ўйлаб яна завқ-шавқ билан ишга бериламиз. Биз сизларнинг тинч ижодий меҳнатларингизни кўз қорачиғидай сақлашга қасамёд этганмиз. Буни шараф билан адо этаётирмиз.

Азиз пахтакорлар! Сизлар табиатнинг барча қийинчиликларини енгиб, бу йил улкан «оқ олтин» хирмони бунёд этдингиз. Уни Ватан омборига тўкишда жасорат кўрсатаётирсиз. Шуни билингки, сизларнинг ҳар бир ғалабангиз, янги довон ошишингиз бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда. Сизлар «оқ олтин» планини тўлдириб бугун мамлакатга 3 миллион 800 минг тонна «оқ олтин» топширдингиз, Ўзбекистон пахтакорларига минг офарин!

Э. Раззоқов, А. Ортиқов, А. Парпиев, Е. Иванов, Х. Турсунов, Р. Давлатов, М. Эшпўлатов, оддий солдатлар.
Н. Қисм.

Рассом блокнотидан



«Оқ олтин» хирмон-хирмон,
Ёзай мен ҳам бир роман.
Илҳом қўлди ишлашга,
Янги асар бошлашга.

Хўп ишладик эр-хотин —
Меҳнатнинг туби олтин.
Даромад ҳам эўр бўлди,
Бизгачи, ҳузур бўлди!

М. Воробейчиков ишлаган расм.

ЛЕНИНЧА ИШ УСЛУБИ УЧУН

◆ ◆

Совет демократияси — энг одил, халқчил демократия. Буни биз давлат ишларида кенг жамоатчиликнинг фаол қатнашишида ҳам яққол кўрамиз. Меҳнаткашлар оммаси маҳаллий Советлар фаолиятида актив иш олиб борадилар. Улар район, шаҳар, область хўжалик ва маданий қурилиши вазифаларини белгилашда ўз наказлари билан тўғри йўналиш берадилар. Наказ — халқнинг илтимоси ёки яхши истаклари эмас, балки талаби, иродаси, зарур ва кечиктириб бўлмайдиган топшириғи ҳамдир. Шунинг учун ҳам уни маҳаллий Советлар диққат билан ўрганиши, умумлаштириши, амалга ошириш учун астойдил бел боғлаши керак. Айниқса, чуқур ўрганилиб, маҳаллий Советларнинг сессияларида тасдиқланиб, амалга ошириш муддатлари белгиланган наказларни бажариш зарурдир. Чунки кенг сайловчилар оммаси маҳаллий давлат ҳокимиятининг ўзининг жонажон давлат ташкилоти деб биладиган Совет аппаратларида ленинча иш услубига тўла амал қилиниши, берилган ваъданинг устидан чиқилишига эришилиши лозим. Тошкент шаҳридаги баъзи бошқарма ва ташкилотлар бу муҳим бурчни унутаётганликларини афсус билан айтишга мажбурмиз.

Шу йил март ойида маҳаллий Советларга сайловлар олдидан халқ бизни депутатликка кандидат қилиб кўрсатганида, улар билан учрашганимизда улар қатор наказларни берган эдилар. Биз бу топшириқларни ўрганиб, энг зарур ва амалга оширилиши мумкин бўлганларини шаҳар Совети ижроия комитетига қўйдик. Ижроия комитет уларни саралаб, кечиктириб бўлмайдиган талаб ва эҳтиёжларни бажариш учун 1965 йил планига киритган ва шаҳар Советининг II сессиясида депутатлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида тасдиқлаган эди. Буни эшитган сайловчилар ўз наказларига бўлган катта эътибордан хурсанд бўлган эдилар. Тўғри, бу наказларнинг кўплари ўз вақтида амалга оширилди. Лекин айрим бошқарма ва бўлим раҳбарларининг айби билан баъзи наказлар қоғозда қолиб кетмоқда. Шаҳар бўйича бажариш учун кабул қилинган 179 наказ ва таклифдан 87 таси амалга оширилган, холос. Қолган 92 наказдан 18 таси қисман бажарилган бўлиб, 74 тасига ҳали қўл ҳам урилган эмас. Айниқса Чилонзор, Октябрь районларида амалга оширилиши лозим бўлган ободонлаштириш, транспорт, алоқа ва халқ маорифига оид наказларнинг кўп қисми бажарилмаётир. Жумладан, сессиянинг қарорига мувофиқ Чилонзор районидаги 13-мактаб территорияси шу йил II кварталда ободонлаштирилиши, Коллектив кўчасига эса III кварталда асфальт ётқизилиши лозим эди. Халқ буни сабрсизлик билан кутарди. Афсуски, шу пайтгача бу ишларга киришилмаган. Шунингдек, Куйбишев районидаги Дубовая, Тўрткўл каби кўчаларни ҳам тартибга солиш кўзда тутилган эди. Бу ишлар ўлда-жўлда қолди.

Қиш яқинлашиб келаётганига қарамасдан, Октябрь районидаги Қичқириқ анҳорига кўприк қурилмаган. Бу ишларни бажариши лозим бўлган Тошкент шаҳар ижрокоми ободончилик бошқармаси, йўллардан фойдаланишнинг ихтисослаштирилган трести бошлиғи Н. Зисман ваъдага вафо қилиш ўрнига кўп наказларни 1966 йил планига ўтказган. Агар имконият йўқ экан, сайловчиларни ишонтириш, уларнинг олдида депутатларнинг юзини шувит қилишнинг нима ҳожати бор эди?

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми планлаштиришдаги шу каби номувофиқликларни қаттиқ танқид қилди. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари бундан тегишли хулоса чиқариб, ҳар бир режанинг реал бўлишига эришиши лозим.

Р. НИЕЗБЕКОВА,
А. КОНДЕНКОВА,
А. ХРУЛЕВ,
шаҳар Советининг депутатлари.

ТУҲФА

(ХАТЛАРГА ОБЗОР).

Бутун мамлакатимиздаги сингари республикамизда ҳам КПСС XXIII съездини ҳар жабҳада янги меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун кураш мусобақаси кенг қулоч ёймоқда. Редакцияга узлуксиз келиб турган хувончли хабарлар ана шулардан дарак беради.

Хўжаобод газ конторасининг меҳнаткашлари Андижон область корхоналари даврасида олдинги ўринни эгаллаб келмоқдалар. Оловкорлар ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, ўн ярим ойлик планни барвақт адо этдилар. М. Янгибоев ва Р. Солиев ўртоқларнинг маълум қилишича, контора коллективи пландан ташқари бир неча юз минг кубометр газ қазиб чиқарди. Ер ости бойликларини инсонга хизмат қилдириш учун кураш мусобақасида оловкорлар ана шундай натижаларга эришмоқдалар.

Олтиариқ район газлаштириш конторасининг меҳнаткашлари мавжуд 3184 газ установкасининг мунтазам ишлашига эришмоқдалар. Улардан 449 таси табиий газ ёрдамида ишлайди. Газ установкалари ўрнатиш йилданйилга кўпаймоқда. Етти йилликнинг охирги йилида янгидан 643 установка ўрнатилди. Суюқ газ сотиш 11 ойлик плани муддатидан илгари бажарилди. Ўқитувчи Ю. Эминов қишлоқ хонадонларини, маданий-маиший корхоналарни газлаштиришда намуна кўрсатаётган контора меҳнаткашларига миннатдорчилик изҳор қилади.

Кўқон тўқимачилик машинасозлиги заводида «ТП-63П» маркали янги автомат яратилди. Бош механик В. Волгушев, созловчи В. Федин, технолог В. Красовский ўртоқлар янги автоматни монтажлаш ишларини муддатидан илгари тамомладилар. Автоматнинг ишга туширилиши маҳсулот сифатини кўтарди, меҳнат унумдорлигини 8-10 марта оширди. Шу ҳақда хабар ёзган Г. Жалилова шўйдай автоматдан корхонада яна иккитасини ўрнатиш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилаётганлигини таъкидлайди.

Бухородаги 10-йўл қурилиш бошқармаси Аму—Бухоро каналига олиб борадиган автомобиль йўллари қурилишни давом эттирмоқда. 40 километр узунликдаги Олот—Ҳамза, 11 километрли Фароб—Бош узел, шунингдек Қуйимозор сув омбори атрофида ўнлаб километр асфальт йўлларни қуриб бердилар. Ҳозир улар Олот-Бош узел йўлини ҳам жадал усул билан давом эттираётирлар. Бошқарманинг старший прораби А. Кўчқоров механизаторлар алоҳида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётганликлари ҳақида қувонч билан ҳикоя қилади. Бульдозерчи М. Нуъмонов, скреперчи М. Ашуров, экскаваторчи С. Файзуллаев, шофер Л. Эргашев ўртоқлар смена нормаларини бир ярим ҳисса ортиғи билан бажаришга эришаётирлар. Олот—Бош узел магистрали янги барпо қилинган машина каналини эксплуатация қилувчиларга хизмат қилади. Шу билан бирга икки қардош республика — Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида автомобиль қатновини яхшилаш имконини беради.

«Ташсельмаш» заводи мамлакатимиздаги пахтакор республикаларга «зангори кема»лар етказиб бериш билан шуҳрат қозонган коллектив. Машинасозлар етти йиллиқнинг якунловчи йилида пахтакорлар учун камида 8500 та терим агрегати етказиб бериш учун ҳаракат қилмоқдалар. 3- механика-йиғув цехининг коллективи бу курашга муносиб ҳисса қўшаётир. Цехдаги ҳамма бригадалар смена топшириқларини орттириб бажаришга эришаётирлар. Завод ишчиси А. Мирзапўлатов ўз ҳамкасбларининг меҳнат муваффақиятларидан гурурланади. К. Қорабоев, Н. Белова, М. Воҳидова каби ишчилар смена топшириқларини бир ярим-икки ҳисса адо этаётганликларини, токарлардан Р. Рязанов, Ю. Капильский ўртоқлар нуқул юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга эришаётганликларини таъкидлайди.

Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг партия XXIII съездини кутиб олиш юзасидан бошлаган ажойиб ташаббуслари республикамиз корхоналарида, транспорт тармоқларида, қурилишларда, конларда кенг қанот ёймоқда. Ишчилар, бригадалар, сменалар, участкалар, цехлар ва бутун-бутун корхоналар ўз шароитларига қараб оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Янги-янги резерварни ишга солмоқдалар. Машина ва ускуналардан яна ҳам самарали фойдаланиш тадбирларини кўраётирлар. Бухоролик Т. Шомуродов, андижонлик У. Холиқов, сирдарёлиқ К. Шодиқулов, тошкентлик Т. Болтаев, бухоролик Т. Сайлиев ўртоқларнинг хабар ва мақолаларида ана шундай илғор коллективларнинг ибратли ишлари баён қилинади.

Тошкент шаҳридаги Академиклар шаҳарчасининг жамоли кундан-кунга очилиб бораяпти, дейилади М. Урмановнинг хабарида. Бу ерда янги-янги илмий муассасалар қурилмоқда. Кўп қаватли уй-жой бинолари қад кўтаряпти. «Главташкентстрой» трестига қарашли 21-қурилиш бошқармаси коллективи қурилишни жадал суръатлар билан олиб бориш тадбирларини кўраётир. Анатолий Чиркин бошлиқ комплекс бригада, дурадгор Босмонов, гишт терувчи Тошкентбоев ўртоқлар смена нормаларини 120-140 процент бажариб, бинокорлар мусобақасининг олдинги сафида бормоқдалар.

Республикамизда озиқ-овқат саноати корхоналарини кенгайтириш, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш тадбирлари кўрилмоқда. Келгуси йилда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1964 йилдагига қараганда бир ярим баравар кўпаяди. Шу муносабат билан республикамиздаги кўпгина корхоналар реконструкция қилинмоқда, уларда янги қувватлар ишга солинмоқда. Экономист Р. Толстоногов ўз мақоласида Наманган макарон фабрикаси кенгайтирилаётганлиги ҳақида қизиқарли фактлар келтиради.

Э. Қодиров ва М. Ниёзов ўртоқлар Тошкент каравот заводи ва Андижондаги «Коммунар» заводидан мақолалар йўллашган. Улар ҳам съезд олди мусобақасининг пешқадамларини улуғлайдилар, илғор ишчиларнинг тажрибасини баён этадилар.

ХАБИБИЙ

ҲОРМАНГИЗ

Навқирон, эй кучга тўлган, паҳлавонлар ҳормангиз,
Жонкуяр қизлар-жувонлар, меҳрибонлар ҳормангиз,
Бердингиз меҳнат фанида имтиҳонлар ҳормангиз,
Васфингиз оламга бўлгай достонлар ҳормангиз,
Сўзланг энди минбар узра нуқтадонлар ҳормангиз.

Кўп ўжар дарёни боғлаб, йўлга бўйсундурдингиз,
Ҳар нўриқларни зироат қилгани нўндирдингиз,
Истаган ҳосилни шўр ер бўлса ҳам ундурдингиз,
Ҳарна ишлар қилдингиз, ноёб қилиб дўндирдингиз,
Бахт ила соғлом яшанг йиллар-замонлар, ҳормангиз.

Тан бериб сизларга таҳсин дер бутун аҳли жаҳон,
Дарҳақиқат бу ютуқлар шону шавкатдан нишон,
Илму фаннинг қудратин кашф этдингиз бўлди аён,
То абад инсонга бўйсунгай табиат беғумон,
Соф юрак, меҳнатга моҳир қаҳрамонлар, ҳормангиз.

Бўлди омбору заводларда «оқ олтин» тоғ-тоғ,
Шодиёна тўй муборак, дилда йўқ армону доғ,
Халқаро базму зиёфат, зеб ила айшу фароғ,
Ҳар кўнгил ичра Ҳабибий парпираб энди чароғ,
Қилдингиз давлатга олий армуғонлар, ҳормангиз.

● ● ● ● ●

Уч миллион саккиз юз минг тоннали кўкўпар хирмонимизга ҳисса қўшмаган кишини топиш қийин бўлса керак. Ҳа, социалистик мажбуриятнинг муддатидан илгари бажарилишида ҳар кимнинг ўз улуши бор. Пахта йиғим-теримига актив қатнашиш, тани жони соғ бўлган ҳар бир кишининг виждон амри бўлиб қолди. Сиз суратда кўриб турган Дилбар Ўзганбоева ҳам пахта далаларида жасорат кўрсатиб меҳнат қилган чеварлардан бири. У Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз далаларидан 10 тонна пахта териб, хирмонга тўкди.

А. Абаян фотоси.

«Ўзбекфильм» студиясининг 40 йиллиги олдидан

ТОЛМАС ИЖОДКОР

«Ўзбекфильм» киностудияси қутлуг айём арафасида. Студия ташкил топганига қирқ йил тўлиши муносабати билан навқиронлик тўйини ўтказишга ҳозирлик кўряпти. Қирқ йил ичида ўзбек кино тарихи саҳифасига юзлаб порлоқ номлар битилди. Ўз ҳаётини «Ўзбекфильм» студиясининг ривожи ва равнақига бағишлаган айрим ижодкорлар эса ҳамон студия даргоҳида шараф билан меҳнат қилиб келмоқдалар. Булардан бири СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Комил Ёрматовдир.

Студиянинг бадиий раҳбари, отахон режиссёр Комил Ёрматов ўз тақдирини студия тақдири билан боғлаб иш олиб бориши, ёшларга сидқидилдан кўмак бериши, ўз тажрибасидан уларни баҳраманд қилиши, бадиий юксак, гоявий жиҳатдан ўткир фильмлар ижод қилиб, кино шинавандалари қалбидан муносиб ўрин эгаллаши натижасидагина камол топди.

Комил Ёрматов ўзбек кино санъати оламида ўз ижодини артистликдан бошлади. У дастлаб 1926 йилда «Ўзбекгоскино»да суратга олинган «Равот қашқирлари» фильмида эпизодик роль ижро этиш билан ўз санъатини намойиш қилди. Бу фильмда синфий онги ўсиб келаётган ўзбек деҳқонлари ва қизил Армиянинг босмачиларга — халқнинг тинчлигини бузувчи қашқирларга қарши кураши акс эттирилган эди. Ўша пайтлардаёқ вақтли матбуот К. Ёрматов, Р. Пирмуҳамедов, Р. Аҳмедов, С. Хўжаев сингари ёш киноартистлар маҳоратини юксак баҳолади.

1928 йилда эса республика экранларига «Мачит гумбазлари тагида» фильми чиқарилди. «Равот қашқирлари»да эпизодик роль ижро этган. К. Ёрматовга бу фильмда бош қаҳрамон — Умар роли ишонч билан топширилган эди. Ёш артист К. Ёрматовнинг бу ролда эришган муваффақияти келажакда унинг моҳир санъат устаси бўлиб етишажагидан далолат бериб турарди. Унинг кескин ҳаракатлари, мимикаси, ўзига хос қарашлари, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтабилишдаги усталиги фильмда яққол намоён бўлиб турарди. Сергайрат йигит шу биринчи роли биланоқ кенг томошабинларга танила бошлади.

Шундан кейин К. Ёрматов «Маккадан келган меҳмон» фильмида Ҳабибуллахон ролини ҳам маҳорат билан ижро этиб, аввалги фильмида эришган муваффақиятини мустаҳкамлади.

Бу йиллар давомида Комижон фақат роль ижро этиш билан чегараланиб қолмай, режиссёрлар билан бирга бўлиш, уларнинг фикр-ўйларидан хабар топишга ҳаракат қилди. У кечалари ухламай, янги-янги мезан саҳналар, этюдлар, ҳаракатлар топишга уринар, эртаси дарҳол бу фикрларни режиссёрга сўзлаб берарди. У фильмни суратга олишда учраган нуқсонларни тезда пайқар ва буни бартараф қилиш йўлларини ахтарарди. Шу сабабли режиссёрлар уни ўзларига ёрдамчи килиб олдилар. Ниҳоят у роллар ижро этиш билан бир қаторда режиссёр ассистенти бўлиб ишлай бошлади.

1928 йилга келиб Тошкент киностудияси бир қанча талантли ёшларга эга бўлди. Уларнинг келажакда атоқли киномутахассислари бўлиб етишишларини назарда тутиб, партия ва ҳукумат Н. Ганиев, К. Ёрматов, Т. Хўжаев, С. Хўжаев сингари ёш талант эгаларини Москвага ўқишга юборди. Ёш ижодкорлар бу ерда С. Эйзенштейн, В. Пудовкин, М. Кулешов, Н. Зархий сингари совет кино санъатининг моҳир усталаридан таълим олдилар.

Комил Ёрматов қаникул вақтларида Тошкент студиясига келиб, институтда олган назарий билимларини амалда татбиқ этиб турди. Бу даврда у Тошкент киностудияси ишлаган «Сўнгги бек» фильмида Али ролини ижро этди ва ассистентлик вазифасини бажариб, режиссёр С. Сабинскийга ёрдам берди.

1932 йилда К. Ёрматов Бутуниттифоқ кинематография институтини муваффақият билан тугатди. Олий маълумот унга олий вазифа ҳам юклади. У энди режиссёрлик сценарийси ёзадиган, мустақил кинофильм яратадиган бўлди. «Узоқ чегарада», «Муҳожир», «Дўстлар қайта учрашадилар» бадиий фильмлари К. Ёрматовни кинорежиссёр сифатида иттифоқимизга танитди. (Бу фильмлар «Тожикфильм» студиясида яратилган).

Улуғ Ватан уруши йилларида К. Ёрматов ҳам ижод тигини ёвга қаратди. Бу йилларда у дастлаб Тошкент киностудиясида «Фронт учун концерт», «Ватан совғаси» деган фильм-концертлар устида иш олиб борди. Кейинчалик у «Биз енгамиз», «Уйқусиз йўл» фильмларини яратиб, буларда ўзбек халқининг фронтда ва фронт орқасида олиб борган мардонавор курашларини тараннум этади.

Урушдан сўнг ўзбек кинематографияси ўтмиш саҳифаларини жонлантириш, ҳаётни қайта қураётган замондошлар образини яратиш ва порлоқ келажак ҳақида ҳикоя қилишга кўчди. Кўпдан бери тарихий фильм яратиш орзусида юрган К. Ёрматов эса ўзбек халқининг мутафаккири, олим ва шоири Алишер Навоий образини экранда жонлантиришга киришди. К. Ёрматов кўпдан Навоий, Бедил, Ибн Сино, Бобир каби классикларнинг асарларини иштиёқ билан ўқиб, улар ижодини ҳавас билан ўрганиб келарди. «Алишер Навоий» фильмини яратишда тарихдан яхши хабардор экани, унга катта кўмак бўлди.

К. Ёрматов 1949 йилда республикамизнинг 25 йиллик тўйига «Ўзбекистон» номли ҳужжатли фильм тортиқ қилди. Бу фильмда режиссёр Совет Ўзбекистонининг 25 йил мобайнида босиб ўтган йўли, бу йилларда қўлга киритган ютуқлари, гуллаётган республикамизнинг чорак аср давомида индустриашган, қишлоқ хўжалиги ривож топган мамлакатга айланганлиги ҳикоя қилинди.

Бундан кейинги даврда К. Ёрматов яратган «Абу Али ибн Сино», «Пахтаой», «Опа-сингиллар», «Гуллар очилганда »сингари қатор фильмлар кино мухлислари қалбидан муносиб ўрин эгаллади. Шуниси характерлики, бу фильмларнинг асосий қаҳрамонлари эндигина кино санъати майдонига кириб келаётган ёки бу майдонга дастлаб қадам ташлаган ёшлардан иборат эди.

Атоқли режиссёр «Ўзбекфильм» студиясининг 40 йиллик юбилейига муносиб армуғон тайёрлади. У ижод этган «Осиё устида бўрон» фильми иттифоқ кино мухлисларини қувонтирди. Ўрта Осиё халқларининг бир жон-бир тан бўлиб яшаги дунё, янги тузум учун олиб борган мардонавор курашлари, уларнинг жаҳолат ботқоғидан халос бўлиб, нурафшон дунёга қадам қўйганларини ҳикоя қилувчи бу фильмга москвалик кино мутахассислари юксак баҳо бердилар.

Комил Ёрматов шу кунларда Мирзо Абдуқодир Бедилнинг достони асосида тайёрланган «Икки дил достони» деган сценарий устида иш олиб бормоқда.

...Кишини ўзига мафтун этувчи ҳинд миллий рақс куйи. Экранда қадимий катта китоб варақлари намоён бўлади. Бу саҳифалар фонида «Икки дил достони» деган титр кўзга ташланади. Сўнг буюк шоир Бедилнинг қаҳрамонлари китобдан ҳаётга кўчадилар.

Шу тариқа бошланган фильм ҳиндистонлик машҳур раққоса қиз билан ўзбек созанда йигити ўрталаридаги соф муҳаббатни, икки ёш қалбнинг бир-бирига етишиш учун бошидан кечирган азоб-уқубатлари, тортган жабр-зулмлари ва ниҳоят уларнинг бир-бирига етишувларини ва ошиқ-мошуқлар қиссаси орқали икки буюк мамлакатнинг қадимий дўстлик, биродарлик алоқаларини акс эттиради.

Қирқ йиллик тўй арафасида биз Комил Ёрматов бошчилигидаги «Ўзбекфильм» студияси ижодий коллективини чин дилдан табриклаб, уларга ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

М. АЛИЕВ.

СССРнинг ташқи савдо обороти асосан жаҳон социалистик бозорида социалистик мамлакатлар билан ва айниқса ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан қилинаётган товар айирбошлаш ҳисобига ўсиб бормоқда. Бизнинг ташқи савдомизда социалистик мамлакатлар билан бўлаётган савдо оборотининг ҳиссаси 70 процентни, шу жумладан ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан қилинаётган савдо обороти қариб 60 процентни ёки 8,2 миллиард сўмни ташкил қилади ва бу оборот 1958 йилдан бери икки баравар кўпайди.

Социалистик мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши доирасида қилаётган ҳамкорлиги натижасида халқаро меҳнат тақсимотининг бутунлай янги типи вужудга келди. Бунда гап миллий халқ хўжалик планларини координациялаш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш тўғрисида бораётир. Масалан, химия саноати учун комплект технология линияларини ишлаб чиқариш ва ўзаро етказиб бериш ишларида, тўқимачилик саноати учун ускуналар етказиб бериш соҳасида ва шу каби соҳаларда ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш амалга оширилмоқда.

Бу эса мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни тагин ҳам муайян мақсадни кўзлаб, тагин ҳам кўпроқ ўзаро манфаатли қилиб ва кенг равишда ривожлантиришга олиб келмоқда. Бундай алоқалар узоқ муддатли битимлар асосида ташкил этилаётганлиги айниқса яхши натижа бермоқда. Масалан, СССР билан Чехословакия ўртасидаги товар оборотининг ҳажми Германия Федератив Республикаси билан Англия ёки Англия билан Франция сингари буюк капиталистик давлатлар ўртасидаги товар оборотидан ошиб, кетаётганлиги тасодифий эмас. Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги товар оборотининг ҳажми жаҳонда фақат АҚШ билан Канада ўртасидаги товар оборотидангина камлик қилади.

Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган Европадаги мамлакатларга биз 1964 йилда 700 миллион сўмликдан кўпроқ машина ва ускуналар, 14,5 миллион тонна тошкўмир ва кокс, 23 миллион тоннага яқин нефть ва турли нефть маҳсулотлари, 22 миллион тонна темир ва марганец рудалари, 2,2 миллион тонна пўлат прокати, чўян, 250 минг тонна пахта толаси ва шу каби ларни етказиб бердик.

Ўз навбатида Совет Иттифоқи Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган Европа мамлакатларидан 1,8 миллиард сўмликдан кўпроқ машина ва ускуналар, шу жумладан ўнлаб корхоналар учун комплекс ускуналар сотиб олди. Шу мамлакатлар бизга 1964 йилда турли материаллар билан бир қаторда кўпгина саноат моллари ва озиқ-овқат моллари: 250 миллион валюта сўмлик устки кийим ва ички кийимлар, 53 миллион метр ип-газлама, 16,5 миллион жуфт чарм-пойафзал, 140 миллион сўмлик мебель, 460 минг тонна сабзавот, 60 минг тоннага яқин узум, 50 минг тонна олма, 35 минг тонна гўшт, 450 миллион дона тухум, бир неча юз миллион сўмлик маданий-рўзғор моллари, галантерея, дори-дармонлар ва шу каби ларни етказиб бердилар.

1964 йилда бошқа социалистик мамлакатлар — Вьетнам Демократик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Куба, Югославия билан ҳам савдомиз мувафқаиятли ривожланиб борди. 1964 йилда Хитой билан савдомиз қисқарди: 1955 йилдаги ташқи савдо оборотимизда унинг салмоғи 21 процентни ташкил қилган бўлса, ҳозир 2,9 процентга тушиб қолди.

СССРнинг капиталистик мамлакатлар билан, шу жумладан саноати ривожланган капиталистик мамлакатлар билан савдо алоқаси кўпайди. Япония билан савдо алоқаси айниқса ривожланди. У билан қилаётган савдо оборотимиз 1958 йилдагига нисбатан 1964 йилда 9 баравардан зиёдроқ ошди ва 322 миллион сўмни ташкил қилди. Биз Японияга асосан нефть, кўмир, ёғоч, металл сотмоқдамиз. У ердан асосан, машиналар ва ускуналар жумладан, кемалар ва кема ускуналари сотиб олмоқдамиз.

Германия Федератив Республикаси билан савдо обороти ошиб, 290 миллион сўмни ташкил этди. Германия Федератив Республикасига биз нефть ва нефть маҳсулотлари, ёғоч, пахта, мўйна сотмоқдамиз; ундан, биз асосан, машиналар ва ускуналар, шу жумладан кўпгина комплект ускуналар, шунингдек металлар сотиб олмоқдамиз.

Капиталистик дунёда биз билан савдо қилаётган мамлакатлар орасида Финляндия гарчи ҳали ҳам биринчи ўринни олиб турганлигича қарамай, Финляндия билан қилаётган савдомиз 1963 йилдагига нисбатан бирмунча камайди. Бу мамлакат билан савдо оборотимиз 350 миллион сўмни ташкил этди. Биз бу қўшнимизга машиналар, нефть маҳсулотлари, кўмир, металлар сотмоқдамиз; ундан эса машина-ускуна, жумладан кўпгина кемалар, целлюлоза, қоғоз, штапель тола, сариёғ, тухум ва шу каби ларни сотиб олмоқдамиз.

Англия билан (307 миллион сўм) ва Франция билан (157 миллион сўм) савдо оборотимиз тахминан 1963 йилги даражада қолди. Италия билан савдо оборотимиз бирмунча камайиб, 210 миллион сўмни ташкил қилди. Дания, Норвегия ва Швеция билан савдо оборотимиз кенгайди.

АҚШга келганда бу мамлакатнинг ҳукмрон доиралари СССР билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан савдо муносабатларида совуқ уруш даврида қолган бемаъни камситиш сиёсатини давом эттириб келмоқдалар.

Биз АҚШга атиги 18,6 миллион сўмлик мол сотдик. АҚШдан эса 146 миллион сўмлик мол сотиб олдик, аммо бу нарса АҚШдан вақтинча дон сотиб олиганлигининг натижаси бўлди.

СССРнинг ривожланаётган мамлакатлар билан савдо-сотиғи кўпайди. Шу мамлакатлар билан жамики савдо обороти қарийб бир ярим миллиард сўмни ташкил этди. Шу мамлакатлар орасида Ҳиндистон, Бирлашган Араб Республикаси, Афғонистон, Индонезия билан кўпроқ савдо-сотиқ қилмоқдамиз.

СССР ривожланаётган мамлакатларнинг ўз миллий индустриясини вужудга келтиришига ёрдамлашиб, уларга кредитлар бериб турибди. Улар бу кредитларни асосан ўз экспортларининг традиция бўлиб қолган молларини бизга етказиб бериш билан узмоқдалар. Масалан, Ҳиндистон 1964 йилда бизга 140 миллион сўмлик ҳар хил моллар—жун, жут, хом тери, арқон, балиқ овлайдиган тўрлар, пойафзал, чой, зираворлар, тамаки етказиб берди; Бирлашган Араб Республикаси бизга 90 миллион сўмлик аъло пахта ва калава ип, 140 минг сўмлик туруч ва шу каби ларни етказиб берди.

1964 йилда СССР жаҳондаги 72 мамлакат билан савдо-сотиқ қилди.

И. АРТЕМОВ,
ТАСС обзорчиси.

«ДЕҲҚОН» САМОЛЁТЛАР

Шудгор қилинадиган экин майдонларига суперфосфат сочаётган самолётларни томоша қилиб турган икки кекса бир-биригa:

— Товба, эндиликда самолётлар ҳам деҳқон бўлиб қолди-я, — деди ҳайрон қолиб.

Самолёт кенг дала устига суперфосфат сочди-да жанубга қараб учиб кетди.

...Сафга тизилган «пўлат қуш»лар энди ерга қўнаётган лочинларни эслатади. Мана ҳозир бочкалар суперфосфатга тўлдирилиб, самолётлар яна ҳавога кўтарилади.

Техник Ф. Дудин машинанинг моторларини ва бошқа қисмларини кўздан кечириб, учишга тайёрлаяпти. Самолёт командири А. Овчаров ва иккинчи учувчи И. Культе кабинага чиқадилар. Учишга сигнал берилди. Самолёт осмонга кўтарилди. Шундан кейин кетма-кет Усмонов, Понаморев бошлиқ экипажлар кўкка парвоз қилди.

Қишлоқ йигитларидан Тўлибой Бўриев, Нуъмон Ризаев, Карим Эгамбердиев, Турсунқул Сатторқулов, Холдор Эргашев, Арслон Эгамбердиевлар самолёт экипажлари билан аҳил бўлиб қолишган. Улар машиналарга ўғит солишади. Дефолиация ва ҳашаротга қарши кураш вақтида сигналчи бўлиб ишлайдилар.

Самолёт командири Александр Михайлович Овчаров — Тўлибойни сигналчи қилиб тайёрлагунча анча овора бўлган эди, энди унинг ўзи ўнлаб сигналчилар тайёрлаяпти.

— «АН-2»ларимизни колхозчилар ҳазиллашиб қанотли деҳқон деб аташади, — деди Александр Михайлович.

Шунда мен йўлда келаётган икки кексанинг ҳазилини эслаб, ҳа, улар тўғри айтган экан дедим.

Қишлоқ авиаторларининг иши қизғин. Бирин-кетин учиб, қўнаётган самолётлар қишлоқни ларзага келтираётир. Суперфосфат ташиётган машиналарнинг кети узилмайди.

Биргина Овчаров командирлик қилаётган самолёт «Политотдел» колхозининг 1800 гектар ерига суперфосфат сочди. 2 минг гектар ерга метилмертотофос сепди. Ёз бўйи бу самолетлар Ўрта Чирчиқ районининг «Полярная звезда», Свердлов номли ўнлаб колхозларида, Юқори Чирчиқ районининг «Политотдел», «Правда», Свердлов номли колхозларида ҳашаротларга қарши курашди, дефолиация даврида катта хизмат кўрсатди. Шундай қилиб, бу экипаж Юқори Чирчиқ районининг ўнига етиштирилган 11 минг тонна пахтага ўз ҳиссасини қўшди. Шунингдек, ўртоқ Усмонов раҳбарлик қилаётган экипаж ҳам Тошкент областининг бир қанча районларида хизмат қилиб, катта обрў қозонди.

Р. ИСҲОҚОВ.

Дунёнинг мамлакатларида

Қувайтда конференция

ҚУВАИТ, 16 ноябрь. (ТАСС). Кеча бу ерда Араб мамлакатлари экономикасини планлаштириш ва саноат ривожланишини координациялашга бағишланган конференция ўз ишини бошлади. Араб мамлакатлари ташаббуси билан чақирилган бу конференцияда Тунисдан ташқари барча араб мамлакатларининг етакчи мутахассислари қатнашмоқда. Конференция кун тартибида Арабистон шарқидаги мамлакатларнинг иқтисодий ва саноат соҳасидаги ҳамкорлиги масалалари ва ана шу мамлакатларда мустақил миллий экономикани ривожлантириш масалалари бор.

Суратда: Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультети студентларидан (чапдан ўнгга): афғонистонлик Муҳаммад Мусин Пирзода, бирмалик Маун Сан Аун, ўзбек Келдибой Қосимов, яманлик Яҳё Ҳусн ва афғонистонлик Саид Форуқ.

А. Тўраев фотоси.

БУГУН — ХАЛҚАРО СТУДЕНТЛАР КУНИ

1939 йил 17 ноябрь. Гитлерчи босқинчилар Чехияда барча олий ўқув юртларини беркитиб қўйди. Шу куни гитлерчи жаллодлар намойишга чиққан чехословак студентларга қарата ўт очдилар. Эсэсчилар 9 студентни ўлдирдилар, 12 мингга яқин студент концентрацион лагерларга юборилди. Уларнинг кўпчилиги ҳам ўлиб кетди. Студентлар норозилик билдириб, нацистларга қарши намойиш ташкил этдилар, революцион қўшиқларни айтиб, Прага кўчаларига чиқдилар.

1941 йилда студентларнинг халқаро союзи 17 ноябрни халқаро студентлар куни деб эълон қилди. Ана шундан буён ҳар йили 17 ноябрни жаҳон студентлари бирдамлиқ куни сифатида нишонлайдилар. 17 ноябрда бўлиб ўтган воқеалар тинчлик, ҳақиқат, инсонийлик, прогресс учун, барча прогрессив ва тинчликсевар кучларнинг халқаро бирдамлигини мустаҳкамлаш учун кураш ер юзидаги барча студентларнинг вазифаси эканлигини кўрсатди.

17 ноябрь воқеасининг яна бир катта аҳамияти бор. Бу воқеалар умумий тараққиёт йўлида бир миллат бошқа миллатларга малакали кадрлар тайёрлашда ёрдам бериши зарурлигини эслатади. Совет Иттифоқи миллий кадрлар тайёрлашда ривожланаётган мамлакатларга жуда катта ёрдам кўрсатмоқда. Фақат сўнгги 10-12 йилнинг ўзидагина совет олий ўқув юртлари чет эллик гражданлардан 27 мингдан кўпроқ мутахассис тайёрлаб берди. Ҳозир мамлакатимизда жаҳоннинг 119 мамлакатидан келган 23 мингдан кўпроқ чет эллик йигит ва қиз олий маълумот олмоқда. Ўзбекистон ССР Олий ўқув юртларида ҳам Осиё ва Африка мамлакатларидан келган студентлар ўзбек йигит ва қизлари билан биргаликда фан чўққиларини эгалламоқдалар.

ИНДОНЕЗИЯДАГИ АҲВОЛ

ЖАКАРТА, 15 ноябрь. (ТАСС). Индонезияда коммунистларга ва бошқа сўл кучларга қарши репрессия кампанияси кучайиб бормоқда. Жокьякарта билан Суракарта ўртасида жойлашган Клатен районида хавфсизлик қўшинлари Пемуда Рақьят ёшлари ташкилоти аъзоларидан 2.100 кишини қамоққа олдилар.

Газеталарнинг кеча хабар беришича, Риау оролларининг ҳарбий маъмурияти ана шу архипелагдаги оролларнинг ҳаммасида Индонезия Коммунистик партияси ва ана шу партияга ёндашувчи барча ташкилотлар вақтинча тақиқлаб қўйилганлигини айтган.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда Коммунистик партия Индонезиянинг аслида барча районларида тақиқлаб қўйилган.

Индонезия Компартияси билан бир қаторда ўнта бошқа сўл ташкилот, шу жумладан 9 миллион аъзоси бўлган Индонезия деҳқонлар фронти, Индонезиянинг Энг йирик касаба союз бирлашмаси ва шу бирлашмага кирувчи 40 та соҳа касаба союзи; студентларнинг тўртта йирик ташкилоти, шунингдек хотин-қизлар ташкилоти, илмий ва бошқа ташкилотлар тақиқлаб қўйилган.

Жакартанинг ўзидагина сўлларнинг ўнбир газетаси ёпиб қўйилган, бутун мамлакатда эса, 50 та газетани нашр этиш тақиқлаб қўйилган.

Ҳарбий маъмурлар 14 университет ва олий ўқув юртини ҳамда кўпгина мактабларни ёпиб қўйишган.

* * *

ПАРИЖ, 15 ноябрь. (ТАСС). Франс пресс агентлиги мухбирининг Жакартадан хабар беришича, армия яна 8 парламент депутатининг мандатини бекор қилганлиги кеча бу ерда эълон қилинди. Шундай қилиб, ҳозиргача жами 65 коммунист депутат ва уларга ҳайриҳоҳ бўлган кишилар Индонезия парламентидан ҳайдалган.

АНТАРА агентлиги биргина Ғарбий Явада коммунистлардан ва уларга ҳайриҳоҳ бўлган кишилардан 2.300 кишининг қамоққа олинганлигини кеча эълон қилди.

КУШКА — ҲИРОТ — ҚАНДАҲОР АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ ОЧИЛДИ

КОБУЛ, 15 ноябрда Қандаҳорда Совет Иттифоқининг техника ёрдами билан қурилган Кушка—Ҳирот—Қандаҳор автомобиль йўлининг тантанали очилиш маросими бўлди. Маросимда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси ҳозир бўлди.

Совет ҳукумати, деди ўз нутқида К. Т. Мазуров, — Совет—Афғон муносабатларига катта аҳамият бермоқда. СССР билан Афғонистон ўртасида ривожланаётган амалий ҳамкорлик турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинчготув яшаши намунаси бўлиб хизмат қилади.

Маросимда сўзга чиққан подшо Муҳаммад Зоҳиршоҳ дўстона ёрдам учун совет ҳукуматига ва халқига ўз номидан ва афғонистон халқи номидан чуқур миннатдорчилик изҳор қилди. (ТАСС).

ПЕНТАГОН ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА, ОҚ УЙ РУХСАТ БЕРМОҚДА...

ВАШИНГТОН. «Вашингтон пост» газетасининг ҳарбий обзорчиси Жон Норрис ҳукуматнинг ишончли манбаларига асосланиб ёзган мақоласида «АҚШ ҳукумати партизанларнинг қуввати кучайиб бораётганлиги сабаби келгуси ҳафтада Жанубий Вьетнамга яна 35-40 минг солдат юборишни буюрди» дейилади. Бунинг натижасида Жанубий Вьетнамдаги Америка қўшинларининг сони кўпайтирилиб, 200 минг солдат ва офицерга етказилади. Бу ҳисобга Жанубий Вьетнам ва Вьетнам Демократик Республикаси халқига қарши агрессив урушда қатнашаётган АҚШ 7-флотининг 28 минг матроси ва офицери қирмайди.

Президент Л. Жонсоннинг ранчосида ўтказилган ва Жанубий Вьетнамдаги Америка қўшинларининг сонини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган кенгашда Жанубий Вьетнамдаги АҚШ қўшинларининг сонини тагин ҳам кўпроқ миқдорда ошириш плани ҳам муҳокама қилинган. Шу планга кўра, деб ёзади Норрис, у ердаги Америка қўшинларининг сони 200 минг кишидан ошиб кетиши керак.

Жанубий Вьетнамдаги Америка авиациясини кўпайтириш масаласига келганда, матбуотнинг ёзишича қараганда, АҚШнинг ҳарбий ҳаво кучлари тактика авиация эскадрилияларининг сонини кескин равишда кўпайтиришни планлаштирмоқда. Пентагон Жанубий Вьетнамга денгиз пиёда қўшинларининг жуда кўп вертолётларини ва самолётларини юборморқчи.

Жирканч урушни кенгайтиришнинг бу мудҳиш планлари жанубий вьетнамдаги қуролли кучлар сонини ошириш билангина чекланиб қолмайди.

Жанубий Вьетнамдаги қўшинлар сонини яна кўп миқдорда ошириш тўғрисида ҳарбийларнинг қилган талабини бажаришга АҚШ ҳукумати розилик берганлиги ва пентагон раҳбарларининг авантюристик талаблари милитаристлар АҚШнинг Вьетнамга доир сиёсатига раҳбарлик қилишни тобора қатъият билан ўз қўлларига ўтказиб олаётганликларини кўрсатиб турибди. (ТАСС).

ОКЕАНДАГИ ФОЖИА

НЬЮ-ЙОРК, Америкаининг одатда Майами билан Нассау (Багама оролари) ўртасида қатновчи беш минг тонна ҳажмдаги «Ярмут касл» лайнерида катта ёнғин бошланди. Кемада 550 пассажир бор эди. Кема ағдарилиб, сувга ғарқ бўлди. Пассажирлардан тахминан 78 киши бедаран йўқолди. Одамларни қутқаришда қатнашган кемалар қолган пассажирларни шу кемаларга чиқариб олдилар. (ТАСС).

ФРАНЦИЯ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ

ПАРИЖ, 15 ноябрь. (ТАСС). Со коммунаси яқинидаги (Воклюз департаменти) ясситоглиқда кеча ана шу районда ракеталар учириш учун майдонча қурилишига қарши оммавий норозилик митинги бўлиб ўтди. Митингда коммунистик ва социалистик партиялар, бирлашган социалистик партия, радикаллар партияси, тинчлик тарафдорлари ҳаракати ва бошқа ташкилотларнинг чақиригига биноан, турли департаментлардан келган 7.000 киши иштирок этди.

Франциянинг бошқа районларида ҳам тинчлик тарафдорларининг намойишлари бўлиб ўтди.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМГА АҚШ САМОЛЁТЛАРИНИНГ ҲУЖУМИ

ПАРИЖ. Америка стратегия авиациясининг Гуам оролига жойлаштирилган «Б-52» бомбардимончи самолётлари Жанубий Вьетнам ватанпарварлари бор, деб мўлжалланган районларга 14 ноябрда беш марта ҳужум қилди.

Франс-пресс агентлиги мухбирининг Сайгондан юборган хабарида айтилишича, Американинг бомбардимончи самолётлари ўз бомбаларини Сайгоннинг 60 километр ғарби-шимолида кейинги вақтларда озодлик армиясининг отрядлари билан Америка-Сайгон қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар бўлаётган районга ташлаб кетганлар. (ТАСС).

«ПАХТАКОР» ЎНЛИККА КИРДИ

ФУТБОЛ

Кеча «Пахтакор» стадионида бўлган учрашув ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди, чунки СССР биринчилиги учун ўтказилаётган XXVII чемпионатнинг якун жадвалида қайси команда нечанчи ўринни эгаллашини ҳал қилиб бериши керак эди.

Майдон эгаларининг ўнликка кириши учун фақат ғалаба керак эди. (Уларда тўплар нисбати бокуликларга қараганда анча ёмон: 32-40 эди).

Мусобақа арбитри Алимжонов (Москва) ишораси билан тўп ўйинга киради ва ўйиннинг биринчи ярмидаёқ табло да «Пахтакор»чилар фойдасига 2:0 рақами ёзилади. 15 минутдаёқ Краснишкий ўзининг «сеҳрли» штраф тўпини киритиб, ҳисобни очади. Яна 15 минут ўтгач, Раҳматуллаев ҳисобни оширишга муваффақ бўлади.

Озарбайжон футболчилари ўз составларида икки асосий ўйинчилари (Банишевский ва Гуаев) бўлмаслигига қарамай, ўйиннинг иккинчи ярмида деярли 45 минут «Пахтакор»нинг штраф майдонини эгаллаб олдилар. «Пахтакор» ҳимоячилари ва, биринчи навбатда, дарвозабон Пшеничниковнинг бехато ўйнаши орқасида жавоб тўпини киритолмадилар ва ўйинда таслим бўлишга мажбур бўлдилар.

Шундай қилиб «Пахтакор» шарафли ўнликка кириб, «Нефтяник» билан ўрин алмашди.

Ўтган куни Одессада Москва «Торпедо»чилари «Черноморец» устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, охирги говни ҳам ёриб ўтдилар ва мамлакат чемпиони деган шарафли номга муяссар бўлдилар. Киевнинг «Динамо» командаси ўз майдонида «Зенит» устидан 2:0 ҳисобида галаба қозонди. Украина футболчилари кумуш медални олишга эришдилар.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

КОМАНДАЛАР	У.	Т.	О
«Торпедо» М.	32	55—21	51
«Динамо» К.	31	55—22	48
ЦСКА	31	37—22	38
«Динамо» М.	32	38—24	36
«Динамо» Мн.	31	35—26	35
СКА Р.	32	42—35	34
«Динамо» Тб.	31	35—29	34
«Зенит»	32	32—32	32
«Пахтакор»	32	34—40	32
«Спартак»	31	26—24	31
«Нефтяник»	32	32—33	30
«Шахтёр»	31	27—32	27
«Черноморец»	31	34—41	26
«Кр. Советов»	31	33—43	26
«Локомотив»	32	37—48	24
«Торпедо» Кт.	32	29—69	19
СКА О.	30	21—61	11

Эслатма: Жадвалга кеча кечқурунги айрим учрашувлар, шу жумладан «Спартак» — «Шахтёр» учрашуви ҳам киритилмади. Агар «Спартак» «Шахтёр»га ютқазиб қўйса, «Пахтакор» жадвал зинапоясидаги тўққизинчи ўринда қолади.

А. МАЪЗУМОВ.

БУХОРО ЯНГИЛИКЛАРИ

ЛЕНИНГА ҲАЙКАЛ

Гиждувон посёлкаси марказида В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилди.

ҲОВЛИ ТЎИЛАРИ

Бухоро Чилонзорида 48 квартирали иккита уй фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари битта болалар боғчаси, икки жойда савдо магазини қурилиб ишга туширилди.

КИНО ЮЛДУЗЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Бухоро шаҳар кинотеатларида СССР кинематографич ходимларининг I съезди ва Ўзбекистон кино санъатининг 40 йиллигига бағишланган фестиваль ўтказилмоқда. Фестивалда режиссёр, артистлар билан учрашувлар ўтказилаётир.

Т. НАЗИРОВ, «Совет Узбекистон» мухбири.

ИКЕЙА—СЭКИ КОМЕТАСИ

ФАН ОЛАМИДА

Шу йил 18 сентябрда японялик ҳаваскор астрономлар Икейа ва Сэки янги комета топган эдилар. Кейинги кузатишлар бу кометани жуда катта тезлик билан Қуёшга яқинлашиб бораётганини кўрсатди. Ҳисоблашлар, кометани Қуёш сиртига яқин масофадан ўтади ва эҳтимол Қуёш ёнида ҳалок бўлади деган хулосага олиб келди.

Астрономлар шу кунгача бундай ҳодисани фақат 6 марта кузатганлар, лекин бирор марта комета Қуёшда ҳалок бўлмаган.

Одатда Қуёшга жуда яқин келувчи кометалар ёрқинлиги бўйича тўлиной билан баробар бўлган. Шунинг учун Икейа — Сэки кометасини шундай ёрқин бўлса керак деб гумон қиладилар. Кометанинг Қуёш ёнидан ўтадиган куни, яъни 21 октябрда, бир қанча обсерваторияларда спектрал асбоблар билан фотографик телескоплар, ҳамда радиотелескоплар ёрдамида кузатишга ҳозирлик кўрилди.

1882 йилдаги шундай комета Қуёш сиртидан 450 минг километр узоқликдан ўтганда радиотелескоп бўлмаган, комета спектри эса расмга олинмай оддий кўз билан кузатилган эди.

Маълумки, комета Қуёшдан бир неча юз миллион километр узоқда бўлганда кичкина тумансимон юлдуздай бўлиб кўринади. Қуёшга яқинлашган сари кометанинг ядроси қизиб парланади ва Қуёш нурларининг босими таъсирида тескари томонга йўналган дум ҳосил бўлади.

Одатда комета думининг спектри унда карбон, азот, карбон оксиди ва шу каби енгил газларнинг молекулалари борлигидан хабар берар эди. Қуёшга бениҳоя яқин ўтувчи кометадан оғир элементларнинг (никель, темир) ҳам парланишини спектрда кузатиш мумкин эди. Аммо Икейа—Сэки кометасини Қуёш яқинида кузатиш мумкин бўлмади. Тошкент ва бошқа шаҳарларда олинган расмларда комета кўринмади. Комета, Қуёшнинг тожи ва протуберанцлари орасидан катта тезлик билан ўтиб ўзи келган томонга қайтиб кетди.

Комета Қуёш атрофини айланиб ўтганда ўзининг массасининг бир қисмини йўқотиб, бирмунча кичиклашди. Шу кунларда унинг думи ярим градусдан ошмайди, ёрқинлиги эса еттинчи юлдуз катталиги билан баробар, яъни оддий кўз билан кўриб бўлмайди.

Икейа-Сэки кометасининг юқоридаги фоторасми 13 ноябрда Тошкент астрономик обсерваториясида олинган. Кометани оддий биноклда ёки мактаб телескопида Қуёш чиқишидан 1—2 соат олдин Гидря юлдуз туркумида кузатиш мумкин.

А. РАҲИМОВ,

Тошкент Астрономик обсерваториясининг старший илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Узбекистоннинг ҳамма районларида ҳавонинг қуруқ келиши кутилади. Шарқ томондан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Урсатевсида шамолнинг тезлиги секундига 20-25 метргача боради.

Қорақалпоғистон, Хоразм областларида ва Фарғона водийсида 14-19 даража, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд ва Бухоро областларида 19-24 даража, Қашқадарё ва Сурхондарё областида 21-26 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда булут кам бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат 22-24 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

17 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт. 6.45—Гимнастика (ўзб.). 7.35 — Эшиттиришлар программаси. 8.25 — Қўшиқлар.

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока». 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистони». 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Рубоб учун концерт. 10.10 — Рус рақс куйлари. 10.30 —«Чаманзор тароналари». 11.10— «Фан ва турмуш» радиожурнали (ўзб.). 11.25 — Қўшиқлар. 13.00 — Чорвадорлар учун (ўзб.). 13.40 — Концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.). 16.15 —Икром Акбаровнинг ижодий портрети. 17.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 18.10 — Жаҳон халқлари куйлари. 18.30 — Концерт. 19.20 — Қозоқ куйлари. 20.00 — Пахта учун кураш давом этмоқда (рус.). 20.10 — Эстрада концерти. 20.45 — Электроэнергияни тежаб сарфлайлик. 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.). 22.00 — Коммунистик ахлоқ (ўзб.). 22.15 — Асқар Убайдуллаев куйлайди. 22.40 — Микрофон олдида шоир Туроб Тўла (ўзб.). 23.10— Эртаги кун эшиттиришлари. 23.20 —Студентлар талабига мувофиқ концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

17 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Будь готов!** тележурнали.

Ўзбек тилида: 19.00 — **Гулсара** (Навоий номли театр спектакли), ганаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар**, спектаклдан сўнг — **Ҳамкасблар** номли бадиий фильм (рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.10 — **Моҳир қўллар** (болалар учун). 18.40 — **Тошкент янгиликлари**. 18.50 — **Сизга боряпман, Солдат** — доим солдат (телеочерклар).

Рус тилида: 19.10 — **Шундай аёл яшайди** (телевизион бадиий фильм). 21.15 — **Тошкент янгиликлари**. 21.25—**Композитор Имрэ Кальман.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/XI да **Гулсара**, 18/XI да **Борис Годунов.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/XI да **Сўнгги нусхалар**, 18/XI да **Сарвқомат дилбарим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/XI да **Ишқинг билан**, 18/XI да **Ёшликда берган кўнгил.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 17, 20/XI кеч соат 7 яримда **Концертлар.** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Фахриддин Умаров**, солистлардан **М. Мўминова, Р. Мўминова, С. Шукурова** ва бошқалар қатнашади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Грузин цирки артистларининг гастроли.**

„МУШТУМ"ГА

ОБУНА ҚИЛИШ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЕДИНГИЗДАН КЎТАРИЛГАН БЎЛСА ШОШИЛИНГ!

1966 йилда журналда атоқли ёзувчи ва рассомларнинг замонавий мавзуларда ичак узди ҳикоялари, ўткир ҳажвий шеърлари, расмлари, шунингдек Адабий меросимиздан намуналар, қиёмига етмаган гаплар. «Муштум ўгитлари», «Афаниди латифалари» ва бошқа қатор рубрикалар остида қизиқарли ва қулгили материаллар берилади.

3 сўм 60 тийин тўласангиз бир йилгача,

1 сўм 80 тийин тўласангиз олти ойгача

«Муштум» уйингизга элтиб берилади.

Қадрли муштумхонлар, ўз журналингизга тезроқ ёзилиш ёдингизидан чиқмасин.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

Марказий, республика, область, шаҳар, район

ГАЗЕТАЛАРИГА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

1966 йил учун

(январь ойидан)

ОБУНА ҚИЛИШНИНГ

СЎНГГИ МУДДАТИ

ҳамма ерда 25 ноябргача белгиланган.

Бу муддатдан кейин февраль ойидан обуна қилинади.

Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать бошқармаси.

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

18 ноябрь кундуз соат 3 да «Политотдел» (Тошкент область) — «Металлург» (Запорожье) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Революция сквери ва Қўйлиқдан махсус автобуслар қатнайди.

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

институтга кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган

ПУЛЛИК 7 ОЙЛИК

КУРСГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Дарслар ўзбек, рус тилларида олиб борилади.

Курсга кирувчилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: ўрга маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, иш жойидан справка, турар-жойдан справка, характеристика, 2 га фотокарточка.

Ўқиш ҳақи—25 сўм.

Аризалар якшанба кунларидан бошқа ҳар куни кундуз соат 3 дан кеч 7 гача қабул қилинади.

Ўқиш 1 декабрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй, 2-қават 228-хона. Телефон 3-34-11.

УРМОНБЕКДАГИ 30-ҚИШЛОҚ ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1965/66 ўқув йилига

ўқувчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти экскаватор машинистларини тайёрлайди.

Ўқиш муддати—11 ой.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар кўшиб берилади: 7, 10-синфни тамомлаганлик ҳақида аттестат-гувоҳнома, турар-жойдан справка, оилавий аҳвол ҳақида справка, соғлиги ҳақида справка, 3х4 сантиметр ҳажмида 2 та фотокарточка, таржимаи ҳол. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Қабул қилинганлар стипендия, бепул овқат ва кийим-кечак билан таъминланади.

Ўқиш 10 декабрдан бошланади.

Адрес: Андижон область, Балиқчи район, Ўрмонбек қишлоғи («Чинобод-Ўрмонбек», «Чинобод-Сариқсув» автобуслари боради).

ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ «УЗГИПРОНЕФТЬ»га

инженерлар ва техниклар: сантехникачилар, темир йўл қурувчилар, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштирувчи инженерлар, копировщицалар, русча машинистка-лар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Қўқон шаҳар, Совет кўчаси, 67-уй. Телефон 37-96.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи, СССР Литфонди Ўзбекистон бўлими, Ўзбекистон Кинематография ходимлари союзи Кинематография ходимлари союзи правлениесининг секретари Т. Тўлахўжаевга отаси

Тўлахўжа ШАРОФХУЖАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекфильм» киностудиясининг ижодий коллективи киносценарист Туроб Тўланинг отаси

Тўлахўжа ШАРОФХУЖАЕВНИНГ

ўлими муносабати билан унга таъзия изҳор қилади.

Дорихоналар Бош бошқармаси, партия ташкилоти ва месткоми Самарқанд область дорихоналар бошқармасининг бошқарувчиси С. Х. Салоҳовга акаси

Абдулла САЛОҲОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Маркса-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256 30257, 30258.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ 269. ИНДЕКС 64543. Р. 01335.